

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



БАХТИЁР КУНЛАР ШУКУҲИ

майди. Шундай оғир дамларда инсон ўз иродасини синовдан ўтказиши керак. Ҳатто яшаш мумкин бўлмаган дақиқаларда ҳам яшаш керак, деган ақидани юрагига синдириши керак. Шундагина бу ҳаёт майдонида олға силжиш мумкин.

Суҳбатимиз шу ерга етганида чаккасига қора райхон қис-тириб олган кўшни Марям хола Муяссар аяни сўроқлаб чиқиб қолди.

— Ўзи Муяссар аяни сўроқлаб битта китоб

хона қилишса, ҳақлим чиқади. Агар ҳар бир ота-она ўз оиласи, элу-юрти олдида масъулиятни сезса, ўзини бурчли эканини унутмаса, демак бу ўша ота-онанинг катта ютуғи. Яхши инсонлигидан даракдир.

Мен ибратли ҳаёт соҳибаси Муяссар аяга ҳавас билан боқдим. Барчага ҳам ана шундай мўтабар аёл бўлиш бахти насиб этсин.

Суҳбатдош: Нигора ЙЎЛДОШЕВА

Суҳбатчи — М. МИРСОДИҚОВ



Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Охунбобоев номи маҳалласида яшовчи Муяссар ая ҳамда Эркин ота Аҳмедовлар хонадонини топиш қийин кечмади. Маҳалланинг қайси бир катта-ю кичигидан сўрамайлик, «Хув анави чиройли дарвоза "чевар ая" мизнинг уйлари бўлади», дейишди. Ховлига кириб борар эканмиз, у ердаги қўли-қўлига тегмай хизмат қилиб юрган келинларини кўриб, аянинг бахти бор экан, деган ўй ҳаёлимдан ўтди. Юз-кўзларидан бахтиёрлик нашидаси уфуриб турган аяни саволга туддим.

— Кексани кучидан сўрама, ишидан сўра, дейишади. Шу кунларда қандай юмушлар билан бандсиз?

— Худого шукр, бири-биридан чаққон келинларим бор. Улардан менга юмуш ортармиди. Менинг энг катта ишим невараларимга қараш. Келинларим: «Ойижон, ўғил-қизларингизга қандай тарбия берган бўлсангиз, неварала-

рингизни ҳам худди шундай тарбия қилиб беринг», дейишади. Келинларим фарзандларига гапирётганда мен аралашмайман, болалар шўхлик қилиб бирор айб иш қилиб қўйишган бўлса, мен дакки берсам оналари ҳам индашмайди. Шу билан олам гулистон.

— Хар бир оиланинг ўз тарбия мактаби бўлади. Сиз фарзанд тарбиясида кўпроқ нималарга эътибор берасиз?

— Беш нафар фарзандларимнинг барчасига фақат битта кўз билан қарадим. Буниси ундок, унис бундок деб ажратмадим. Болаларимга ширин сўзлик ва қаттиққўллик билан тарбия бердим. Битта майиз топиб олсанглар бешга бўлиб енглар деб ўргатдим. Очофатлик, назари пастлик каби иллатлардан узоқ бўлишни, камтарлиқни касб қилишлари кераклигини ўқитдим. Менинг гапларим болаларимнинг қон-қонига

шунчалик сингиб кетганми, бир куни Ботир ўғлим кўшни-мизниқига ўйнаб кирса, кўшни аёл бир тилим тарвуз берибди. Бир пайт ўғлим: «Ойижон, мана бу тарвузни бешга бўлиб беринг», деб қолса бўладими? Ана шунда мен болаларимга берган тарбиям бежиз кетмагандан хурсанд бўлдим. Яна болаларимга аввало ўзларини ҳурмат қилишларини, каттага катта, кичикка кичик муносабатда бўлишлари кераклигини ўқитдим.

— Ўз оилангга нисбатан сабр-бардошли бўл, деган максатда халқимиз "Кези келганда кетмон чоп" маколлини ишлатади. Сизнинг ҳам ҳаёт йўлларингиз бир текисда, равон ўтмаган бўлса керак?

— Бу ҳаётда ҳамма нарса бўлади. Кези келганда бола-шингга бирор мушкул иш тушиб, оғир аҳволда қолсанг атрофингга биронта дўст қол-

ёзса арзийдиган аёл, дейди Марям хола. Узоқ йиллар "Красная заря" фабрикасида мастер бўлиб ишлади. Сўнгра мактабда қизларга тикиш-бичишдан сабоқ берди, яъни муаллималик қилди. Баъзи аёллар давлат иши, тирикчилик деб уёққа-бўёққа югуриб кун ўтаётганини, болалари тарбиясига вақтлари йўқлигини ба-



— Бекорга ҳам она ер демаймизда болам, унинг бизга ином этган нозу-неъматини қара. Фақат сен ҳам ундан меҳрингни дариг тутмасанг бас, дейди Эркин ота набираларига.

ТЕННИС — КАТТА УМИД МАЙДОНИ...

Мамлакатимиз теннис кортларида мурасасиз бахслар билан кечган Ўзбекистон Президенти Кубоги ўз поёнига етди. Бир ҳафта мобайнида теннис муҳлисларининг назари Ўзбекистонда бўлди. Бугун биз ҳақли равишда юртимизни нуфузли халқаро спорт мусобақалари ўтказиладиган марказга айланди, деб айта оламиз.

"Президент Кубоги" халқаро турнирининг бу галги финал учрашувида россиялик Евгений Кафельников ва белорусиялик Владимир Волчков кўртга чиқди. Кескин курашлар остида ўтган беллашувида Евгений Кафельников ғалаба қозониб турнирнинг бош совринини қўлга киритди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов халқаро турнир ғолиби Евгений Кафельниковга мусобақа кубогини, Владимир Волчковга эса махсус совринни топширди.

Хар йили анъанага айланиб қолган "Президент Кубоги" беллашувларининг аҳамияти жуда каттадир. Биз катта спорт турнирлари ўтказиладиган юртимиздан келажакда мамлакатимиз шарафини химова қидиладиган моҳир теннисчилар етиштириб чиқишига умид қилиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз

Яқинда Юнусобод туманидаги "Ноғирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш" жамиятида Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан байрам дастурхони ёзилди.

— Ноғирон, касалманд, имконияти чекланган ва кам таъминланган оилалар фар-

НИРАСТА ҚУШЛАРГА ИЗОДЛИК УЛАШИШ

зандлари кўнглини шод этмок энг олий бурчимиз, дейди жамият раиси Феруза Восикова. — 1998 йил ноғирон болаларнинг ота-оналари ташаббуси билан ташкил этилган жамиятимиз бир канча дастурлар асосида иш олиб боради. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларимиз спорт, компютер, сартарошлик тўғрараклига қатнашишади. Соғломлаштириш, укалалар хоналари, маляула тиббиёт ҳодимлари ҳамма болажонлар хизматида. Бир ойда 2 марта Жанубий Корея ва Америкалик шифокорлар кўригидан ўтиб туришади.

Ушбу тадбирда Германия ва Малайзия элчихонаси вакиллари иштирок этишиб, болажонларга 2 та ноғиронлик аравачаси ва битта юриш мосламаси, бошқа ҳомий ташкилотлар эса турли-туман байрам совгалари тўхфа этишди.

Хулкар ХОТАМБОЕВА

"ЁШ ТЕННИСЧИЛАР" БЕЛЛАШУВИ

"Қамолот" спорт майдонида "Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси ташаббуси билан ёш теннисчиларнинг навбатдаги VI турнири ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ҳамда Қирғизистондан, Қозғистондан ва Россиядан 80 нафар болалар иштирок этишди. Анъанага айланиб бораётган мазкур мусобақани ўтказишдан мақсад — ёш теннисчиларни спортга бўлган кизиқишларини кучайтириш, шунингдек, турнир билан бир вақтда ўтган "Президент Кубоги"да иштирок этаётган машҳур ракетка усталаридан ўрнак олишга қоралашди.

Турнир 14 сентябр кўни ўз якунига етди. Мусобақанинг 10 ёшдан 12 ёшгача бўлган иштирокчилари орасида 1 — ўринни Ким Виктор ва Влада Екшибарова, 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган қатнашчилар орасида 1 — ўринни Жонибек Ўразалиев ва Албина Ҳабибулиналар қўлга киритишди. Мусобақа қатнашчиларига тўққизта йўналиш бўйича совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

Юнусобод туманидаги "Наврўз" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Журналист аёллар клуби" ҳамкорликда "Аёллар муаммоси, оила ва мактаб" мавзусида давра суҳбати ўтказишди.

АЁЛЛАР МУАММОСИ — ДОҶАРҒ МАЛАҶ

ободлиги асосан она — аёлларимизга боғлиқ. Фарзандларимиз асосан оилада ва мактабда тарбияланади. Шунинг учун аввало мана шу гўшалардаги шароитлар кўнгилдагидек бўлиши керак. Айниқса, қизларимиз келгусида ўз ҳуқуқини биладиган, зукко она бўлишлари учун тарбияни кучайтириш керак. Мана шундай суҳбатларимиз эса бу борада катта аҳамиятга эга, деди "Журналист аёллар клуби"нинг раиси Мўтабар Каримова.

Таниқли хонанда Озода Назарова эса қўшиқлари билан кечага файз киритди.

Ўз мухбиримиз

АЁЛНИ АСРАШ ОЛАМНИ АСРАШДИР

Башорат ўттиз
бир ёшида,

Хотира — муқаддас

учинчи фарзандини туғатиб вафот этди. Чака-
лок эса тирик
операция
қарамай
ўғил
ганидан
ни до-

қолди. Башорат оғир
ҳолатида ётганига
учинчи фарзанди
бўлиб дунёга кел-
қувониб, севинчи-
яларга изҳор
этишга уринар-
ди, лекин бун-
га ҳоли
йўқ эди.

Хали ҳеч
нарсани
майдиган чак-
нинг типирчаб
ган баргига унинг
ёшлари томди бу
сўнги ёш том-
ри абадий она-
лик меҳри бўлиб

қолди.
Ота бўлими Баҳо-
дир Муборак деган жувонга
уйланди. Даврон ўғай она ва икки опаси — Маъ-
мура ва Лайло тарбиясида қолди. Лекин бу янги
хонадонда Башоратнинг хотираси унутилмади.

Даврон онасиз қолган бўлса-да, эътибордан чет-
да қолмади. Биз гоҳида оналаримизнинг соғ-
лом ҳаёт кечирिशларини эътибордан четда қол-
дириб келамиз. Ҳаётда аёлларга осон эмас
асло. Олис қишлоққа турмушга узатилган Ба-
шоратга ҳам осон бўлмаган. Ота-онаси, опала-
ри унинг ҳолидан ўз вақтида хабар ололмаган-
лар. Эри ва бошқа оила аъзолари ҳам унинг
соғлиғига бепарво бўлишган. Башорат камқон-
лик касалига чалинган. Учинчи фарзандни
қўриш унинг соғлиғига хатарли эканлигини ши-
фокорлар айтишса-да, ўғил қўриш илинжида
бўлган. Ой-куни яқинлашиб, соғлиғи ёмонла-
шиб бораётганида ҳам дардини ичда сақлаб,
уй-рўзгор иши билан машғул бўлиб юрaverган.
Оқибати эса... Қишлоқ ўқитувчиси Норигул ча-
калоқни ёруғ дунёга келтириб, ўзи вафот этган
синглиси хотирасига ушбу марсияни ёзибди.

Очамайли, Очамайли,
Қадим ўзбек уруғи.
Очамайли, чўлларингда
Отам улоқ чопгандир,
Зухро энам келин бўлиб,
Бағрингда бахт топгандир.
Очамайли, танти элсан,
Меҳмоннавоз бекатсан,
Отам борди-келди қилган
Қуда бўлган элатсан.
Очамайли, йўлларингда
Сингилгинам изи бор,
Элинг билан элдош бўлган
Учта қора кўзи бор.
Очамайли, унутмасман
Танда жоним токи бор,
Мозорингда сингилгинам
Башоратнинг хоки бор.
Очамайли, Даврон сенга
Наврўз берган чечакдир,
Икки элни улагувчи
Занжирлиги бешакдир.
Ўзбекистон истиклоли
Даврон билан тенгдошдир.
Очамайли, йўлларингда
Сингилгинам изи бор,
Элинг билан элдош бўлган
Учта қора кўзи бор.
Очамайли, бахтин тила
Маъмуранинг, Лайлонинг,
Улар сенинг келажатинг,
Башоратнинг давоми.
Даврон ўсиб улғайсини,
Толёе унга ёр бўлсин,
Ўзбекистон йигитлари
Қаторида нор бўлсин.
Эли суйган йигит бўлсин,
Шоир эмас, бек эмас,
Ўзлигини англаб етган
Битта ўзбек бўлса бас.
Очамайли, йўлларингда
Сингилгинам изи бор,
Элинг билан элдош бўлган
Учта қора кўзи бор.

Аёлларни асраш оламни асраш демакдир.
Аёллар нур бўлиб туғилдилар ва оламга нур
олиб келдилар. Уларнинг умрлари бевақт ха-
зон бўлмасин, оламини ёритиб турган ёрқин
кўзларида қайғу ёшларини кўрмайлик.

НАЗАРМАТ,
шоир

Тошкент



Жиззах шаҳрида шундай бир ма-
ҳалла бор, номи "Маданият". Аммо
кўпчилик бу ерни "Хадича холянинг
маҳалласи" деб юритади. Сабаби,
маҳаллани оёққа турғизишда,
яъни маданий-маърифий ишлар-
ни йўлга қўйишда Хадича хола Жаб-
борованинг хизматлари катта
бўлган. Хола ҳамон сафда. 80 ёшни
қоралаб қолган бўлишларига қара-
май, маҳалла хотин-қизлар кўмита-
сининг раислигини уддалаб кела-
ётир.

Онахон билан суҳбатлашар экан-
ман, шу ёшда ҳам хотираси панд
бермаётганлигига қойил қолдим.
Маҳалла ҳақидаги маълумотлар-
ни сўраганимда, бу ерда 17 хил
миллат яшаётганлиги, 1304 та хо-
надон, 1456 та оила борлиги, шун-
дан 583 таси ўн беш йиллик, 213
таси янги, яъни икки йиллик
оила эканлигини бирорта қоғоз-

ХАДИЧА ХОЛАНИНГ МАҲАЛЛАСИ

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан

га, ҳужжатларга қарамасдан ёд-
дан айтиб бердилар. "Қандай
ёдимдан кўтарилсин, болам, ҳар
куни икки бора айланиб чиқаман
маҳаллани, - дейдилар хайратми-
ни кўриб. - 47 нафар якка-ёлғиз
яшайдиган қарияларим бор, шу-
ларни ҳар куни бир кўрмасам, уй-
қум келмайди. 184 та кам таъмин-
ланган оиланинг кам-кўстини
сўраб тураман".

**Маҳаллангизда оилавий
қўйди-чикдилар ҳам бўлиб тура-
дими? - сўрайман онахондан.**

- Эҳчилик экан болам, - юзида жид-
дийлик акс этади Хадича холянинг,
- бўлиб туради. Аммо ана шу номаъ-
қулчиликнинг олдини олиш учун
бор куч ва имкониятимизни сарф-
ляяпмиз. Ҳар бир тўй ва маърака-
да сўз олиб, бошдан охир насиҳат
қиламан. Отасиз қолган болалар-
нинг аянчли аҳолини тасвирлаб,
ҳикоялар айтиб бераман. Бундан
ташқари, салгина мурасиси келиш-
май қолган ёш оилаларда бўлиб, эру
хотинни ўртага оламиз, керак бўлса
ёрдам қиламиз. Баъзида оиладаги

етишмовчиликлар ҳам жанжалга
сабаб бўлади-да.

**- Хадича хола, кўп йиллик таж-
рибангиздан сизга кўпроқ аён.
Оилавий жанжалларнинг асо-
сий сабаблари нимада?**

- Ростини айтсам, ҳозирги хо-
тин-қизларимизнинг сиркаси сув
кўтармайдиган бўлиб қолишган.
Эрларини ҳам рисоладагидек хур-
мат қилишмайди. Илгари иш оғир
эди. Пахтада, далада ишлардик,
яна уйга келиб чироқ созлардик,
ўчоққа ўтин қилардик, ора-сира
куви пишардик. Кир ювиш, овқат
қилиш, супур-сидир ва тикув иш-
ларини айтмаяпман. Шундай
бўлса-да, ух, чарчадим демасдик.
Эримизнинг юзига тик қарамас-
дик, қайнонамизга гап қайтармас-
дик. "Эринг-пиринг" деб ўргати-
шарди қизлик уйимизда.

Хадича холянинг ҳузуридан қай-
тар эканман, маҳаллаларда шун-
дай оташқалб, ватанпарвар онахон-
лар кўп бўлса, дея ўйладим.

Хайрулла ХАМРОЕВ

«САНДИҚЧИ ОПОҚИ»

Хадича опани маҳаллада барча
«Сандиқчи опоқи» деб чақиради. Да-
рҳақиқат, у меҳнатсевар, қўли гул
хунарманд аёл. Хадича опанинг тақ-
дири, жасорати мени хайратга сол-
ди. Юз-қўзларидеги шижоатни, чак-
қон ҳаракатларини кўриб онахонни
76 ёшда демайсиш.

- Турмушга чиқганимда 21 ёшда
эдим, - ўз хотира дафтарини варақ-
лайди онахон. - Хўжайиним мендан
ўттиз ёшга улуг, қори домла эдилар.
Худога шукр, Оллоҳ беш фарзанд
берди. Аммо ҳамма юмушни эрим-
нинг зиммасига ташлаб қўйганим
йўқ. Қўлимда хунарим бор эди. Ҳат-
токи эркакларнинг касбини ўрга-
ниб ишлаганман. - Хадича опа шун-
дай деб қулиб қўйди. - Аввалига нов-
войлик қилдим, сўнгра кўнчилик - те-
рига ишлов бериб, пўнчириб, мах-
си тикиб сотдим. Кейин сандиқсо-
лиқни ўргандим. Хўллас, бир ишни
бошласам, уни ўрганиш учун, шу
касбни пухта эгаллаш учун бор хуна-
римни ишга солардим.

- Бу хунарларни кимдан, қачон
ўргангансиз? - лол қолиб сўрайман
онахондан.

- Эҳ болам, бошимга рўзгор бола-
лиқдан тушган, - дея хаёлчан сўзлай
бошлади онахон - Отам раҳматли,

эрта қазо қилдилар. Онам жуда со-
да, камтар, камсуқум аёл бўлганлар.
Тўнғич фарзанд бўлганим учунми,
укаларимни ўқитиш, касб-хунар
ўрганишни ўз зиммамга олганман.
Укаларимнинг учаласини
ҳам қаттиққўллик билан тар-
бияладим. Уларни хунар-
манд усталар қўлига шо-
ғирдликка бердим. Ҳалол
меҳнат - хунардандчилик
қилиб, шу касб орқасидан
уй-жой қуришди, уйланишди. Бу ма-
шаққатли меҳнат менинг ўз оилавий
ҳаётимда ҳам қўл келди.

Ёш болалари билан эридан эрта
ажраб қолган Хадича опа тушқунлик-
ка тушмади. Кеча-ю кундуз сандиқ-
созлик қилиб болаларини боқди,
ўқитди, хунарни қилди. Беваликда
уч ўғил, икки қизни уйли-жойли
қилишнинг ўзи бўладими?!

- Саидазам ўғлим қўли гул уста,
хазирда автосервис хўжайини. Ҳар
хил машиналарни бирпасда созлай-
ди. Хосиятхон қизим тилла буюмлар
заргари, магазини бор. Саидқарим
темир йўлда маъсул ходим бўлиб иш-
лайди. Ҳабиба қизим онамнинг ўзи-
гиси - уй бекаси, пазанда, рисолада-
ги аёл. Саидмахмуд кенжатоим қўли
гул рассом, чинни идишларга гул чи-



зиб, жон киргизади. Укаларим ва
фарзандларим билан астойдил фах-
рланаман. Худога беадад шукр, меҳ-
натларим зое кетмади.

18 набира, 17 эваранинг ардоқ-
ли бувижони билан келинлар
даврасида суҳбатимизни давом
эттирдик. Онахон тўнғич келинни
роса алқаб, дуо қилдилар.
Нега дейсизми? Дилоромхон
хонадонимга келин эмас, қиз
бўлиб кириб келди. Саран-
жом-саристалиқни, рўзгор
борди-келдиларни тезда
ўрганди. Ҳамма ишни қўлим-

дан олди-қўйди, барака топгур.
Шунинг учун оиланинг бутун инон-
ихтиёрини унга бериб қўйганман.
Ҳатто кейинги ўғилларимга ке-
линларни ўзи танлаб топди. Ов-
синлари - Маҳбуба, Саодатга ҳам
менинг раъй-ройишимни ўргат-
ди. Шукр, бир-бирдан ақли ке-
линларимнинг тарбиясини олаёт-
ган набира-эвараларим ҳам эсли-
хушли. Меҳнатни қадрлашади.
Бизда ҳамма иш билан банд, бе-
корчи йўқ. Хайр-барака шунда-
да, болам.

Қаҳрамонимизнинг ҳикматлари-
ни ҳузур қилиб тингларканман,
ўзбекнинг аёли нақадар юксак
маънавият соҳиби эканлигига тан
бердим.

Муҳиба ҲАМИДОВА

ҚАДРИНГИЗНИ ЭНДИ АНГЛАДИМ

Бешта опа-сингилмиз. Онам ҳам
мамизни оқ ювиб, оқ тараб, кам-
чиликсиз ўстирди. Ҳаётда ўз ўрни-
мизни топишга отажоним, онажо-
нимни ҳиссалари катта. Бизлар-
ни емай едириб, қиймай қийди-
риб, не-не
машаққат-

Фақат сизга аталган сўзим

ларда катта
қилдилар. Ҳозир тўртта опа-син-
гил оилаликмиз (кичик сингилмиз
ҳали ёш). Онамизни кўргани бор-
сак, соғмилар, бетобмилар, ҳам-
иша дастурхон ёзилган, мазали та-
омлар пиширилган бўлади. Онам,
отам бетоб бўлганда ўзимни кўра-
га жой топа олмайман. Ўзимдан,
болаларимдан ортиб боролмаган

кунларим кўп бўлади. Қани энди
кушга айланиб қолсам, уйимизга
қанот қоқиб учиб борсам, қошин-
гизда парвона бўлсам... Онажон,
отажон, сизларга фарзанд бўлиб
оғирингизни енгил қилдиммикан?

Кўнглингизга қулоқ
солдиммикан? Онажо-
ним ўргатган ўғитлари
бизларга ҳаётда қоқилмай яша-
га ёрдам берди. Онажоним биз-
нинг тарбиямизга қаттиқ турган-
ликлари боис биз бахтли ҳаёт
кечиряпмиз.

Тунларни бедор ўтказиб, фарзанд
ўстираётганим, фарзандларимни
тарбиялаётганимда онам қадрини
англаяпман.

Болажоним қувнаса,
она сизни ўйлайман,
Ором бермай қийнаса,
она сизни ўйлайман.
Кечалари беором,
тебратиб бешигини
Алла айтсам тўлганиб,
она сизни ўйлайман.
Сиздек бедор тунларим,
бошдан ўтмоқда бир-бир,
Ўтли қайноқ кунларингиз,
бошдан ўтмоқда бир-бир.
Она бўлиб ўзим ҳам,
бахтдан тўлиб боряпман.
Кундан-кун қадрингизга
она етиб боряпман.
Қизингиз НАРГИЗ
Тошкент,
Олмазор маҳалласи



Газетамизнинг 2001 йил 26-сонидан 2002 йил 25-сонигача эл севган шоира Турсуной Содикованинг "Ўғлим сенга айтаман", "Қизларга аталган сўзлар" номи мақолалари чоп этилганди. Ушбу мақолаларни мухлисларимиз катта қизиқиш билан қарши олишди. Турсуной опа "Ҳадис ва аёл" мавзусида янги асар ёзаётгани ва дастлабки боблариданоқ

"Оила ва жамият" газетаси мухлислари эътиборига ҳавола этиш нияти борлигини айтди. Биз Турсуной опага газетхонларимиз номидан миннатдорчилик билдирарканмиз, ижодий зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз. Қуйида эса газетхонларимизнинг Турсуной Содикованинг аталган дил сўзларини чоп этмоқдамиз.



ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

ТАРБИЯ – ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Ҳаётни кўриб, озми-кўпми яшаб шундай қарорга келдим-ки, Турсуной, тарбия масаласи энг қийин, энг муҳим масала экан. Бир нафас кечиктириб бўлмайдиган зарурат экан. Ота-оналар, маҳалла-қўй ҳар қандай юмушни орқага сурсалар ваҳима эмас, аммо тарбия масаласи унутилса, бир сония кечиктирилса нафақат оилага, балки маҳаллага, жамиятга ҳам ҳафсо экан-да. Ох, тарбияни унутасан, тилимизни тишлаб, икки ёни-мизни ўймалаб, ноилоҳ қолаверар эканмиз-а?!

«Фарзандлик бўлганда феъл-аъло тўғри келмади, деб ажрашмоқчи бўлганлар аклли одамлар эмас! Феълнинг тўғри келмаса, тафаккуринг қаёқда қолди?!»- деб ёзасиз "Қизларга аталган сўзлар"-ингизда, офарин Сизга Турсуной! Мени ҳам ана шу тафаккур қашшоқлиги масаласи кўп ўртади. Ана шу онг қашшоқлиги қанча-қанча оилаларни барбод қиляпти, бегуно болаларни етим қолдираяпти. Тарбияга пугур етказаяпти. Ана шундай воқеалар йиғлатади мени.

Айтганингиздай, олтин умр

бир зумда пириллаб учиб ўтапти-ку. Нега яратган эгам қўш-қўллаб бериб қўйган олтин умрининг қадрига етмаётинми? Яшаб юрганимизга, табиат неъматларидан баҳра олганимизга, тинч, ёруғ кунларга шукр қилмаётинми? Нега улуг зот деб ном олган инсон бир-бирини эъзозлаш, бир-бирининг бахтидан, чиройидан, меҳнатидан қувониш, билмаганини ўргатиш ўрнига бир-бирига озор берадими? Жанжаллашади-я? Нега? Биз ахир минг йил ёки 500 йил, ақалли юз йил яшамай-миз-ку. Шу саволларга жавоб топа олмай қийналамиз.

Бундоқ қарасангиз, туғпа-тузук одамлармиз. Кийиниш, ейиши-ичиши, пул топиши жой-жойига қўйиб қўямиз. Аммо онгимиз, шууримиз ривож буйимиз, нафсимиз ва яна қатор моддий талабларимиз ривожидан орқада қолиб кетаяпти-да. Нега бу ҳар иккала эҳтиёж баб-баравар қамолга етмайди? Нега?

Жуда номдор одам,

гоҳи обрўли бир раҳбар пасткашлик қилиб қўяди ёки ичкиликка берилади ё пулга очқўзлик қиладди. Ё ота-она, опа-ука, оиласи олдида меҳроқибатни унутади. Хўш, нега бундай ўқимишли одамларнинг истеъдоди билан тафаккур тенг эмас,?!

Катта ўғлим Сарвар Аккли, меҳнатсевар йигит. Лекин гоҳи баъзи масалалар - мисол учун бурч, масъулият ҳусусида тортишиб, фикримга қўшилмай, мени бироз ранжитиб қўярди.

-Ойжон, - деди у бир кун, - сиз совға қилган Драйзернинг 12 томлик асарларини ўқиб чиққан, мен ўзимни танидим. Қайта туғилдим. Қўзим энди очилди, назаримда. Инсонни тушуниш, улуғлаш, ҳаётни сева билиш илмини мана энди ўрганаётгандекман...

Ўғлим билан биз соатлаб суҳбатлашамиз ва энди фикримиз бир жойдан чиқади.

Газетхон иқроори

Азиз ва доно Турсуной опа, сизнинг "Оила ва жамият"да чоп этилаётган мақолаларингизни ўқиб, оилада турмуш ўртоғимга сеvimли ёр, фарзандларимга меҳрибон она, қайнона ва қайнотамга яхши келин бўлишга ҳаракат қиламан. Биз турмуш ўртоғим билан сеvimли турмуш қурганимиз. 27 ёшлариди уйлантиришмоқчи бўлганлариди ота-оналари билан келишилган ҳолда бизни, яъни мени оиламни танлаганлар. Бизлар бир маҳаллада турар эдик. Мен 21 ёшда эдим. Иккаламиз ҳам институтни тамомлаб келган эдик. Хуллас, ота-оналаримиз розилиги билан турмуш қурдик. Турмуш ўртоғим оғир, вазмин, ишхоналарида хурматга сазовор педагог. Ўзим ишлаб чиқариш соҳасида ишлайман. Оила қурганимизга 12 йил бўлибди. Турмушимизнинг дастлабки 4 йилда фарзанд кўрмадик. Худога шукрки, ҳозирда 3 ўғиллик бўлди. Демокчимани, сеvimли турмуш қурмасак-да, оилалик бўлганимизда бир-биримизни тушундик, сеvimдик ва сеvimдик. Биз ҳозирда жуда бахтлимиз.

Рўзнамаларда сеvim турмуш қурган эдик, бир-биримизни тушунмадик, аж-

рашдик, деган мактубларни ўқир эдим. Йўқ, чиройли турмуш кечирish ҳар кимнинг ўзига, айникса аёл кишига кўпроқ боғлиқ эканлигини тушундим.

Қайнона ва қайнотамни жуда ҳурмат қиламан, алоҳида турсам-да, келинлик вазифамни астойдил бажараман. Ўғиллари ва мен ҳар дам олиш кунни албатта ҳабар оламиз. Ота-онам ва қайнона-қайнотамнинг ёшлари 75-80 ораллиғида. Бу кишиларнинг дуоларини оламиз, бу дуолар бизга қанчалик куч-қувват, барака ато этишини юракдан ҳис этамиз. Шунинг учун бўлса керак, икки кудалар ўртасида 12 йил давомида совуқчилик тушгани йўқ. Бундан кейин ҳам шундай давом этишини Худодан сўраб қоламан.

Онажоним ҳар доим: «Қўзим, қўвни ҳурмат қилгин, оилавий сирларингни етказма, доим эшигидан қулиб келгин, ҳафазарчилик сўзларингни менга айтма, негаки менинг кўнглим қолади. Байрамларда қайнота-қайнонанга бирон-бир совға туҳфа қилгин ахир улар ўғлини не умидлар билан катта қилган», дейдилар. Мана шу сўзларни сизнинг ўғилларингизга ўхшатаман.

Холита ЗИКРИЛЛАЕВА

Шаҳрисабз шаҳри

Қизлардаги "қизил китоб" га киритса арзийдиган даражада йўқолиб кетаятган орият, шарм-ҳаё, лафозат каби хислатлар борки, Турсуной опа булар ҳақида қуёниб ёзадилар. Менинг онам ҳар "Оила ва жамият" газетаси келганда "Қара-я, сенга айтишим керак бўлган дилдаги гаплар ёзилибди", - дейдилар. Биз Турсуной опадан бундан-да кўп ўғитлар кутиб қоламиз.

Гулноза ОДИЛОВА

Қарши шаҳри

Турсуной опа, Сизнинг ёзган ҳар бир сатрингиз ҳаёт ҳикматларига бўла, мисраларингиздан самимият ёғилиб туради. Мақолаларингизни шунчаки ўқибгина қолмай, гўёки бутун вужудимга сингдираман. "Ўғлим, сенга айтаман", "Қизларга аталган сўзлар" сарлавҳали бу мақолаларингиз нафақат йигит-қизларга, балки биз каби бола-чақали ота-оналарга ҳам бирдек тааллуқлидир. Чунки, бу ўғилларингизда ота-онага ҳурмат, уларга хизмат қилиш, фарзандлар тарбияси, инсонийликка ҳос фазилатлар тўғри ёритилган.

София УЗОКОВА

Шаҳрисабз шаҳри

Бугун "Оила ва жамият"нинг навбатдаги сонини олдим-у, дарров ҳар доим одат тусига кирган саҳифага кўз югуртирдим. Анчадан буён биз аёлларга дастур-ул амал суфатида берилиб келинаётган шоира, ажойиб сўз соҳибаси, қолаверса аёллар кўнгли бекаси, дилдан маслаҳат берувчи, ҳар сўзидан фойдали битиклар уфуриб турувчи Турсуной Содикованинг "Қизларга аталган сўзлар" мақоласининг сўнгги мисраларини ўқиб жуда ҳаяжонландим.

Мана шу руқн орқали яхши-яхши фикр-мулоҳазаларни ўқиб, дил озук, кўнгли ором олар эди.

Ёш қизлар турмушга узатилишдан олдин мана шу мулоҳазаларни ўқиб чиқиши жуда керак, деган фикрдаман.

Шу ўринда кўпгина мухлислар номидан (жамоамиз ва қизлар гуруҳимиз номидан алоҳида) ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман. Айниқса, суҳбатнинг кўнглининг туб-тубидан чиққан сирли сатрлари, қалб торларининг нозиклиги билан чертилиши ва аёлларга ҳос фазилатларнинг энг кўркاملарини кўра билиб, уни мухлисларга сеҳрли оҳангда етказиши кишини албатта ҳаяжонлантиради, ўйлаб иш қилишга, ўйлаб сўз қотишга, қолаверса ҳаётда янада очиқ ва иссиқ муносабатда бўлишга ҳамда инсонларга меҳр билан қарашга ундайди.

Газетанинг бир маромда ушбу кўнгли битикларини элга етказиши ҳам аини мудоао бўлди. Бунга, яқинда бўлган бир воқеа ёрқин мисол. Автобусда кета туриб икки аёлнинг суҳбати мени ўзига жалб этди. Бири ўз эри ва қайнонаси

рилган. Мутасадди ташкилотларнинг булар билан иши йўқ. Мен 7-8 йилдан бери Кувада яшаб кўрмадим-ки, қишлоқ оилалари, аёллари аҳолидан биров хабар олган бўлса. Аёлларни тўплаб, бирон тадбир ўтказилган бўлса. Деярлик ҳамма газета-журнал, китоб ўқимай қўйган. Кўпчиликда радио йўқ.

Айтмоқчиман-ки, онда-сонда бўлса-да, қишлоқларга Сизнинг сўзларингиз етиб боради, Турсунойим! Битта "Оила ва жамият" газетасини олиб борсам, 10-20 оила кўлма-кўл қилиб ўқийди. Сизнинг қалбингиздан, тоза юрагингизнинг туб-тубидан олтиндек сараланиб, пишиб-тобланиб чиққан ҳаётбахш сўзларингиз ўз мухлисларини топапти.

Ишончим қомил-ки, яна кўп ва хўп ёзасиз. Вилоятларга борганда чекка қишлоқларга ҳам муборақ қадамингиз етади. Сиз ушбу газета саҳифаларида бошланган кутлуг ишингиз - улуг бобомиз Алишер Навоийнинг ғазаллари таҳлилин ҳам давом эттирасиз, деган илинждаман.

Санъат МАХМУДОВА

ҳақида гапирар, иккинчиси эса ишониб-ишонмай ёқа ушлаб тинглар эди. Қайнонасининг эшигини супуриб келин эшигига ахлат тўплаб, яна ҳеч нарса билмагандек ўзига оро бериб ўтириши, келин бечора эса бир сўз демай супурилган ховлидан яна супуринди йиғиб олишини, яна бир қанча сўзларни энтикиб-энтикиб гапирар эди. Шунда ўрта ёшроқ аёл уларга "Оила ва жамият"ни тутқазди-да: «Т. Содикованинг дил сўзларини ўқингизлар, ҳаммаси яхши бўлади», «Тош бўлсангиз олтинга айланасиз», - дея тушиб кетди. Мен уларни кузатиб туриб: «Дил - ширин сўзда, ширин сўз эса - тил-да» деган хулосага келдим. Кези келганда яна бир нарсга ҳусусида тўхталмоқчиман. Газета саҳифаларида берилаётган рассом ижоди ҳам таҳсинга лойиқ. Негаки, мавзуга мос тарзда расмларнинг берилиши, ўқик дилнинг ғамгин қиёфаси-ю, шодон қалбнинг гулгун чехраси, қолаверса икки қалбнинг оташин муҳаббатларини ифодаловчи расмлар диққатни ўзига жалб қиладди.

Умуман олганда, ўзга қалблар кўнглига тўғри йўл топа олаётган, қишлар дардида малҳам бўлаётган, ёки кимнингдир бахтли бўлиши учун қуйиб-ёниб меҳнат қиляётган барча ижодкорларга ва албатта, Турсуной Содикованига ўз дил изҳорини билдирмоқчиман. Эл йўлида, дил тўрида, қалб қўрида доимо мавж олиб меҳнат қилишларида омадлар тилайман.

Дилбар НОРМУРОВА

ФАЛВИРНИ СУВДАН ЎЗИНГИЗ КЎТАРИНГ

- Мен Сурхондарёдан кўнғироқ қилаяпман, - деган овоз эшитилди гўшақда. - Иسمи Озодбек. Ёшим 25да. Кўпдан бери сизларга хат йўлламоқчи бўлиб юргандим. Унинг овози жуда паст эшитилгани учун гапни бўлдим:

- Озодбек каттикроқ гапиринг, яхши эшитилмаяпти.

- Мен почтадан телефон қилаяпман. Яқинимда одамлар бор. Шунинг учун...

- Нима, айтмоқчи бўлган гапингиз шунчалар махфийми?

- Махфий эмас-у, оилавий масалада. Шу боисдан каттикроқ гапиршга истиҳолда қилаяпман.

У барибир овозини кўтармай гапини давом эттирди:

- Ўтган йили уйланган эдим. Хотинимни ифлатини йўқотганлиги маълум бўлди. Нима қиларимни билмай тишимни - тишимга босиб 2 ой бирга яшадим. Орада ишонч йўқолгач, турмуш ҳам илитма ошдай бўлар экан. Турмушимиз жанжал билан тугади. Эрталаб мен ишга шошиб тургандим. Хотиним дастурхон ёзиб чой-пой ҳозирлаб, пиёламга тўлдириб чой қўйиб қўйди. Мен пиёламдаги чойнинг ярмини унинг бўш пиёласига қайтариб қўйдим. У депсиниб ўрнидан турди-да, бошқа хонага ўтиб кетди. Орқасидан бориб: "Нимага хафа бўлдинг? Мен шошиб турганим учун сенинг пиёланга чойимнинг ярмини қўйдим", - десам, мени жеркиб ташлади. Аччиқ устидан бир тарсаки уриб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Хотиним қайтариб мени ҳам бир тарсаки урди. Жаҳл устидан устма-

уст яна тарсаки туширдим. У ҳам қараб турган эмас, мендан зиёд қилиб жавоб қайтарди... Мана, аразлаб кетганига икки ой бўлди. Шу кетишда тўри шифохонага бориб ётганми, ётмаганими билмайман, қоғоз тўғрилаб олибди. Шу қоғозни дастур қилиб мени ишдан ҳайдатди. Энди эса судга бориб «каматаман», деб юрибди. Ярашсан индамасмиш, ажраламан десам, каматармиш. Ўзингиз айтинг, менга хиёнат қилган, қўл кўтарган аёл билан қелишиб яшашим мумкинми?

- Ука, "Танаси бошқа дард билмас", деган нақл бор. Ўтган вақт мобайнида сизнинг руҳиятигиздан кечган аламли изтироблар ўзингизга ва ёлғиз Оллоҳга аён. Бундан ташқари ота-онангиз ҳам сизнинг дардингизга шерик. Аввало қалбнингизга қулоқ тутинг. У қандай акс садо қайтарса одил суд олдида ҳеч иккиланмай жавоб беринг. Мен фалвирни сувдан кўтарганимнинг боиси, озгина бўлса-да оилангизни сақлаб қолишнинг имкони бормикан, деган илжингидан. Кўнглингизда иккилангиз бўлса, ўйлаб кўришингиз учун ҳали вақт бор. Фалвирни сувдан ўзингиз кўтаринг. Бу сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз. Аёл кишига қўл кўтарганингизга келсак, суд бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳолисона ҳукмини чиқаради, албатта.

Тоҳир
НОРИМОВ

**Чоршанбадан чоршанбагача —
Ташрифларингиз, кўнғироқларингиз,
мактубларингиз...**

- Мен бир воқеани гапириб бергани келгандим, - дея гап бошлади

МЕХРИ ДАРЁ

йигитлар уни кўтариб, бизнинг машина-мизга олиб

Пойтахтимизнинг марказ-4, 12- уй, 70-хонада истикомат қилувчи 84 ёшли Омон ота Ашурбеков. - Яқинда Бўка шаҳрига енгил машинада бораётган эдик. Биласизми, йўқми Оккўрғон билан Бўканинг орасида катта дастлик бор. Шу дастдан ўтиб кетаётгандик, йўлга яқин экин майдонининг четида бир одамга кўзимиз тушди. Аини туш маҳали эмасми, ҳаво ниҳоятда иссиқ эди. У худди маст одамдай бир-икки чайқалди, бор бўйича йиқилди. Машинани йўл четида тўхтади, ҳайдовчи йигит иккаламиз унинг ёнига шоша-пиша бордик. Йигитнинг кўзлари очик, лаблари қуруқлаб кетганди. У: "сув" дея шивирлади, холос. Бахтга қарши бизда сув йўқ эди. Катта майдоннинг ҳар-ҳар жойида одамлар ҳам бор эди. Биз одамларга қараб "Сув олиб келинглар", деб бақирдик. Бир пасда бир неча аёлу эркак югуриб келди. Лекин уларда ҳам сув тугаган экан. Йигитнинг эса аҳоли тобора оғирлашиб борарди. Ариқ ҳам майдоннинг нарғи чеккасидан кўси ўтаркан. То унга бориб сув олиб келгунча йигитнинг юраги ташналиқдан тўхтаб қолиши ҳеч гап эмасди. Биз саросимага тушиб қолгандик. Ахир бир инсоннинг ҳаёти қил устидан турибди, ачинмай бўладими? Шунда 28-30 ёшлар чамаси бери аёл чидаб турулмади. Унинг уйида эмиз-зики боласи борлигидан кўкси сутга тўлиб турган экан. У йўлаб: "Тескари қараб туринглар", деб бизга хитоб қилди. Биз тескари қараб турдик. У рўмоли билан йигитнинг кўзларини ёпиб, унинг оғизига кўрак сутини соға бошлади. Йигитга жон киргач, аёл биздан уялганданми, ерга қараганча иш жойига қараб кетди. Йигит бошини кўтармоқчи и бўлганди,

келиб ўтқишиди.

Биз уни Бўка шаҳридаги шифохонага олиб келиб жойлаштирдик. У "Қаҳрамон" жамоа хўжалигида яшовчи Тўрақулов Турдикул исми йигит экан. Мен нима учун бу гапларни айтаяпман, қизим. Ҳаётим давомида турли воқеа ва ҳодисаларни бошимдан кечирганиман. У ёки бу кўринишда таъсирланганиман. Лекин ўша воқеадан жудаям қаттиқ таъсирланиб кетдим. Аёлнинг буюклигини, муқаддаслигини ўз кўзим билан кўриб, қалбим ҳис этдим.

Ўзим она меҳрига тўймаганиман. Онам 24 ёшида оламдан ўтганлар. Ўшанда мен 6 ёшда, укаларим кичик эди. Ўша аёл йўлаб йигитнинг оғизига кўрак сутини соғаётганда онамни эсладим. Кўзларимга ёш қалқиб келди. Шундан бери ўша аёл кўз ўнгимдан кетмайди...

Отанинг кўзларида ёш айланди. Кейин гап мавзумиз Омон отанинг боиси ўтган умр йўлларига бурилиб кетди. Вақтида икки олийгоҳни тугатиб, яхши лавозимларда ишлаганликларини, 1 ўғил, 3 қизлари борлигини, улардан кўнгиллари тўқлигини гапириб бердилар. Кампирлари 75 ёшда экан. Хайрлашув олдиндан:

- Тўхтанг, бир гап эсимдан чиқай дебди, - деб қолдилар ота.

- Қизим, мен ҳикоя қилиб берган аёл, оддий кишлоқ аёли. Шундай бўлса-да, меҳри, ибодли, ҳаёли ҳақиқий ўзабек аёли эканига ғувоҳ бўлдим. Ўзига оро бериб, этагани шамол кўтариб юрган баъзи аёллар ундан ибрат олишса бўларди. Мен бу гапни миллилатимиз шаъни учун айтаяпман. Шу гапимни албатта ёзинг.

Ота ҳақ. 84 ёшли отахон таҳририятга бекорга ташриф буюрмаганлар. Қарияларимизнинг ҳар бир ўғити биз учун йўлчи юлдуз.

Лола АҲМЕДОВА

"...Бир пайтлар кексалардан: "Ўлим кўзи ожиз ўроқчига ўхшайди, у ёшни ҳам, қарини ҳам аямасдан ўриб кетаверади", - дейишганда ҳайрон бўлардим. Бу гапнинг маъносини кейин тушундим. Бешафат ўлим эндигина 16 баҳорни қаршилаган ойпопукдек қизимни бағримдан, наинки бағримдан юрагимиздан қилиб кетди. Қизганимнинг дилида айтилмаган сўзлари, ёзилмаган севги мактублари қилиб кетди. Биз ота-онанинг Дилнавозга атаб йиққан сарполаримиз сандиқларда, орзу ҳавасларимиз эса юрагимизда қилиб кетди. Мен айрилиқнинг нелигини билардим, бу аламни ҳеч кимга раво кўрмасдим. "Вақт ҳар қандай дардга даво", деган гапга ишонмай ҳам қўйдим. Қизимиздан айрилганимизга уч йилдан ошди. Йиллар ўтса-да, унинг ўлими олдида нажот излаб менга жавдираган кўзлари ҳеч эсимдан чиқмаяпти. Мен-ку эркак кишиман, қийналсам-да, ўзимни тутишга ҳаракат қиламан. Лекин, хотиним Олия... Ох, онани яратмакин экан, унга жуда қийин бўлди. Уни тушунаман, асраб авайлашга, кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламан. Шўрликнинг не-не умидлар билан йиққан сарполари сандиғида,

КЎНГЛИ ҲАСРАТГА ТўЛГАНДА...

орзу ҳаваслари эса юрагидан қилиб кетди. Бечоранинг шунча дарди етмаганидек, яқинда у опасидан ҳам айрилди. Хотиним ўтган уч йил давомида ўн беш ёшга кексайгандек... Эзиллавериб адои-тамом бўлди. Унинг ғамбода кўнглини кўтаришни, юрагига озгина бўлса-да таскин беришни истайману, лекин қўлимдан келмаяпти. Аслида ўзимнинг ҳам юрагим минг пора бўлган. Эркак киши бўлсам-да, баъзан қизим эсимга тушганда додлаб йўлаб юборишдан мен ҳам ўзимни зўрга тияман. Нима қилай, тақдирнинг бу ёзмишдан даво истаб қайга борай?..

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидан келган қайғули бу мактуб бизни ҳам бефарқ қолдирмади. Бешбой ака билан Олия опаларнинг бошига тушган жудодик оғир. Қайғуларига ҳамдардимиз. Лекин, Бешбой ака умр йўлдошининг кўнглига таскин излаб бизга мактуб ёзишдан тўқтинландик. Чунки, эру-хотинининг ўзаро меҳру оқибати ана шундай мусибатда билиниши рост экан. Олияхон опа! "Ўлим ҳақ", дейишади. Дилнавоз аини навқирон ёшида оламдан ўтибди. Қолган

фарзандларингизнинг умрини, бахтини берсин. Энди сабрли бўлнг. Унинг тақдирига шундай битилган экан. Эртами кечми ахир ҳаммамиз ҳам бу дунёни тарк этамиз-да. Оллоҳнинг хоҳиши шундай. Олия опа, Бешбой ака сизнинг соғлигингизни ўйлаб изтиробда. Шундай суянчингиз борлиги ҳам бахт. Унга суянинг. Дилнавознинг руҳига бир калима қуръон тиловат бағишлаб, қолганларнинг шукрини қилинг. Албатта фарзанд доғи, жудодик оғир. Лекин кўникмай илож қанча...

...Сен тирик бўлсангу, кўзингнинг оку қароси фарзандинг бу дунёдан кетса... Аини бўйи-бўйингга тенгашганда, қадди-бастини кўриб суюнган пайтнингда ёлғиз ўғлонингдан айрилмоқдан аччиқ алам йўқ экан. Болагиман дилида бир олам орзулари билан институтга ўқишга қилиш учун Тошкентга кетаётган йўлда автоҳалокатга учради. Ўғлимнинг жонсиз танасини кўчиб фарёд урдим, на иложим охларим Оллоҳга етмади. У менинг келаҳамим, кескайганимда боқадиганим, ўлсам кўмадиганим эди. Энди мен бу

азобларга ҳеч чидай олмаяпман. Агар у тирик бўлса бу йил 20 ёшга тўлган бўларди. Мана, энди тўйларга, аза-маъракаларга боролмайман. Ҳатто, қабристонга бориб қабрини зиёрат ҳам қила олмайман. Юрагим бардош бермайди. Бу ёруғ дунёда менга тиргак бўлиб қолган яқин ёлғиз қизим ҳам кўзимга кўринмайди. Дардларимга малҳам бўлгунча нараса бормикан? Қолган умримнинг шундай азоб билан ўтишини ўйласам... Бундай азобда яшагандан кўра яшамай қўя қолганим афзалмикан, деган ўйга ҳам бораман. Шу кунларда ўғлимни шундай соғинаяпманки, ҳеч чидай олмаяпман. Ёки қуйган она фақат менгинами бу дунёда? Ушбу мактубимни ёзишдан мақсадим шуки, кўпни кўрган инсонлар менга бирор насиҳат қилишса... Яна юрагимда яшашга умид уйғонармикан?

Аскарликка кетганлар келди, Онахонни кутганлар келди. Баҳор келди, қушлар ҳам келди, Ёлғизгинам сени соғиндим.

Фарзанд доғин кўрганлар келинг, Юрагимга далдалар беринг. Отам бўлинг, даррдошим бўлинг, Жоним болам, сени соғиндим.

Юз-кўзларинг сийайин бир-бир, Болам! Болам! Сени соғиндим... Дунёда оналар "ох" урмасин экан, оталар нола қилмасин экан. Бизга берилган энг азиз неъмат — ҳаёт аталмиш дунёда яшарканмиз ҳамма нарсанинг ўткинчилигига ўзимизни ишонтиришимиз керак. Шунингдек, ҳаётнинг абадий эмаслигига ҳам. Яшарканмиз бошимиздан ҳамма нарса ўтади-да... Шуларнинг ичида бахт, шодлик, бир чимдим ташвиш ҳам, жудодик ҳам бор. Чунки умр йўли бир текис кечмайди. Тақдир бошимизга турфа синовларни соларкан, чидаймиз, енгамиз-да...

Биз юқорида мактубларини келтирганимиз мотамсара ота-оналар Бешбой ака билан хотини Олия опа, фаргоналик Зебо опаларнинг қайғуларига ҳамдардимиз. Бироқ, ўлганлар ортидан тириклар ҳам кетмайдилар-ку. Бошқа фарзандларингизни ўйлаб, уларнинг дуосини қилиб яшашга ҳаракат қилишингиз керак. Яхшими ёмонми ўтган кунимизнинг, тирикчилигимизнинг қадрига етишимиз керак, шундай эмасми?

Басира САЙИДАЛИЕВА

Орзуларинг бўлиб қолди сир, Ҳеч бўлмаса тушларингиз кир.

ДУШАНБА 23

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлинома».

8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» на-
мойиши: «Тандир, арча,
олов».

9.05 «Камалат». Болалар
учун кинодустур.
9.40 «Туртинчи ҳокимият».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Қуринмас одам».
Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон теледи-
виенеси Д. Зокиров
номидида халқ чогултури
оркестрининг концерти.

11.55, 13.55 ТВ анонс.
«Болалар сайраси».

12.05 1. «Олтин тош». Те-
левион уйим. 2. «Улғай-
шиш погонлари».

13.05 «Калдирғоч». Фольк-
лор-этнография ансамбли-
нинг концерти.

13.25 «Ошин». Теле-
сериал.
14.10 «Ўзбек олимлари».

14.25 «Олтин дала». Паста-
корлар учун дам олиш дас-
тур.

15.00 «Қалб гавҳари».

15.20 «Бу эки фасл». Те-
леальманх.

15.40 «Ит уиси». Теле-
анимация.

16.25 Футбол бўйича Ўз-
бекистон чемпионати. «Не-
фчи» — «Навобхор».

16.55 «Самарқанд-Дина-
мо».

18.10 «Мулк».

18.25 III Халқаро симфоник
музыка фестивали кунда-
лиги.

18.45 «Бахтли воқеа». Те-
леелитература.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00
ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тили-
да).

20.00 Оқшом эрталаки.
20.15 Биржа ва банк хабар-
лари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қўшимча Сизга
армуғон».

21.25 2002 йил - Қария-
ларнинг қадрли йили. «Па-
ризи бор уй».

21.45 XIV Осиё уйинлари
олдида.

22.00 Фарғанада мустақил-
лик байрами.

22.45 «Ахборот-дайтс».

23.05-23.10 Ватан тимсол-
лари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 Давр тунги.

10.00 «Янги авлод» студия-
си «Катта таънафус».

10.20 «Гуллар шаҳри».

Мультифильм.
10.45 Мусикий лаҳзалар.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Доктор Финли». Те-
лесериал.

12.20 Давр-news.

12.55 Мутолаа.

13.25 «Қусто командаси»
нинг суе ости саргузашт-
лари. Теле-сериал.

13.45 Автоастанат.

21.30 «Мехрибон».

22.40 Киноинигоҳ. «Катта
дўхон».

00.20-00.25 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.25-00.30 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.30-00.35 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.35-00.40 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.40-00.45 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.45-00.50 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.50-00.55 «Хайри тун,
шаҳрим!».

00.55-01.00 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.00-01.05 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.05-01.10 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.10-01.15 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.15-01.20 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.20-01.25 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.25-01.30 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.30-01.35 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.35-01.40 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.40-01.45 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.45-01.50 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.50-01.55 «Хайри тун,
шаҳрим!».

01.55-02.00 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.00-02.05 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.05-02.10 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.10-02.15 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.15-02.20 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.20-02.25 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.25-02.30 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.30-02.35 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.35-02.40 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.40-02.45 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.45-02.50 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.50-02.55 «Хайри тун,
шаҳрим!».

02.55-03.00 «Хайри тун,
шаҳрим!».

03.00-03.05 «Хайри тун,
шаҳрим!».

03.05-03.10 «Хайри тун,
шаҳрим!».

03.10-03.15 «Хайри тун,
шаҳрим!».

03.15-03.20 «Хайри тун,
шаҳрим!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Қўча
дахма сирин» 1-қисм.

17.45, 19.10, 21.55 «Эксп-
ресс» телегазетаси.

18.05 «Болаларлар экра-
ни». «Шарки ва Жорж». 39-
қисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.15
«Пойтахт». Ахборот дас-
тури.

18.50 «Халқ саломатлиги
йўлида».

19.30 «Спорт ва болалар».

19.45 «Айто-news».

20.30 ТТВда сериал: «Ази-
зи Изабелла».

21.00 «Спокойной ночи,
малыш!».

21.15 «Ошикона», муси-
кий дастури.

21.30 «Киновечер на 30-м».

21.35 «Скорая помощь».

22.15 «Скорая помощь».

22.35 «Скорая помощь».

22.55 «Скорая помощь».

23.15 «Скорая помощь».

23.35 «Скорая помощь».

23.55 «Скорая помощь».

00.15 «Скорая помощь».

00.35 «Скорая помощь».

00.55 «Скорая помощь».

01.15 «Скорая помощь».

01.35 «Скорая помощь».

01.55 «Скорая помощь».

02.15 «Скорая помощь».

02.35 «Скорая помощь».

02.55 «Скорая помощь».

03.15 «Скорая помощь».

03.35 «Скорая помощь».

03.55 «Скорая помощь».

04.15 «Скорая помощь».

04.35 «Скорая помощь».

04.55 «Скорая помощь».

05.15 «Скорая помощь».

05.35 «Скорая помощь».

05.55 «Скорая помощь».

06.15 «Скорая помощь».

06.35 «Скорая помощь».

06.55 «Скорая помощь».

07.15 «Скорая помощь».

07.35 «Скорая помощь».

07.55 «Скорая помощь».

08.15 «Скорая помощь».

08.35 «Скорая помощь».

08.55 «Скорая помощь».

09.15 «Скорая помощь».

09.35 «Скорая помощь».

09.55 «Скорая помощь».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

5.00 Телеканал «Доброе
утро».

8.00, 11.00, 14.00, 17.00
Новости

8.15 «Семейные узы». Се-
риал.

9.10 Поле чудес

10.15 Непутевые заметки

10.35 Детский сериал «Тви-
ниси».

11.15 Детектив «Кого уби-
ла калла никотина».

13.00, 14.15 Боевик «Прав-
дивая ложь».

16.00 «Большая стирка» с
Андреем Малаховым

17.15 «Жизнь за шуткой».

18.00 Жди меня

19.00 «Кто хочет стать мил-
лионером?» Телеигра

20.00 Врем

20.35 Детектив «Дронго».

21.40 Фильм «Время лю-
бить».

22.35 «Другое время».

23.15 Русский экстрим

3.45 - 6.45 «Доброе утро,
Россия».

6.45 Комедия «Охотники за
привидениями - 2».

1.10 «Тунингиз осуда
бўйсин!».

3.45 - 6.45 «Доброе утро,
Россия».

6.45 Комедия «Охотники за
привидениями - 2».

1.10 «Тунингиз осуда
бўйсин!».

3.45 - 6.45 «Доброе утро,
Россия».

6.45 Комедия «Охотники за
привидениями - 2».

1.10 «Тунингиз осуда
бўйсин!».

3.45 - 6.45 «Доброе утро,
Россия».

6.45 Комедия «Охотники за
привидениями - 2».

1.10 «Тунингиз осуда
бўйсин!».

3.45 - 6.45 «Доброе утро,
Россия».

6.45 Комедия «Охотники за
кўнгли ярим, бахти, қувончи ярим бўлиб улғаяди улар. Улар оч қолмайдилар ҳеч қачон. Сиз аввало ўғил-қизингизга оталик меҳрини беринг, ўқис қалбини, бағрини бутун қилинг. Ахир ота-она учун фарзанд камолтини кўришдан ҳам ортиқ қувонч, бахт борми дунёда...

“Сизлардан илтимос, маслаҳат беринг! Нима қилай?”, дебсиз. Мана ўз сўзларингиз: “...униг ортидан югуришдан аввал уйдаги хотинингиз, фарзандларингизни кўз олдингизга келтириб, ўйлаб кўринг”. Ўғиллар улғайиб йигит бўлади. Йигит боши сиз тўғайли эгилмасин ишқилиб. Қизингиз бахтига сизнинг тақдирингиз дард етказмасин дейман. Сизга сингиллик маслаҳатини, оилангиз, фарзандларингиз бағрига кайтинг. Кекса онангиз ҳам набираларидан воз кечмаса керак... Яна нима дейин, қандай маслаҳат берай. Хаёлимда фақат фарзандлар камоли. Қўнлар азоб-даман, тунари бедорман. Негаки менинг ҳам бағримда бир бегуноҳ гўдак, бир маъсум дилбанд бахти кемтик бўлиб ўсапти. Мен онаман. Маъсум гўдаклар (етим дегим келмайди) тақдир хамиша мени изтиробга солади.

Дунё ҳисоб-китобли. Сиздек бемехр оталар бу дунёдаку жазосини оляпти. У дунё азобидан кўрқмайсизми? Сингил сифатида, она сифатида сиз ва сизларга дил розим: ялланман, илтижо қиламан, ўтинаман, ёлвораман — маъсум гўдаклар дилини ўқитманг, улардан меҳрингизни дариг тутманг. Хар бир бола ота-она бағрида бахти, қувончи, бағри бутун бўлиб воёга етсин. Биз оналарнинг ягона тилагимиз шу.

М. С.

“Энди ёшим ўтиб қолди” — 5-сон

ЭСЛАТМА: Бир йигит билан танишиб, бир-биримизга кўнгли қўйдик. Аммо у менга ҳадегадод совчи қўйишни ўйламас эди. Бора-бора мендан ўзини олиб қочаётган бўлиб қолди. Кейин эса дуо-нам бир ҳафта олдир унинг тўйи бўлиб ўтганини айтди. Мен уни қўма-қўма бошқа совчиларни қайтарган эдим. Энди эса... ёшим ҳам ўтиб борапти.

МУҲАББАТ

САРОБГА ИНТИЛАВЕРМАНГ

Ҳурматли Муҳаббат, сиз исми жисмига монанд — Муҳаббат экансиз. Яъни ҳис-туйғулар билан қалбига суяниб яшайдиган, романтик табиатли қиз экансиз. Инсон ҳаётида муҳаббат ҳис-туйғуларини, муҳаббат изтиробларидан ҳам бошқа туйғулар борлигини сизга эслатиб, изтиробларга берилавермаслиқни маслаҳат бераман.

М. РАШИДОВ

Тошкент

АХЛИ ЖАННАТ ЭДИНГИЗ-КУ?

“Онасини кўриб қизини ол деганлари тўғрими” — 3-сон

Мен Хушрўйнинг онасига қарата шундай дегим келади:

— Сиз жаннатий эдингиз. Севиб турмуш қурдингиз... 3 фарзандли бўлдингиз. Аммо нимага йўлдан адашдингиз? Бу сизнинг иродангизнинг бўшлиғидан далолат беради. Сиз иродангизни қўлга ололмади, кўнгли майлига эрк бердингиз. Фарзандларингизни ўйламай шаънингизга доғ туширддингиз. Яши-

ЭСЛАТМА: Онам билан дадам турмуш қурганларига 23 йил бўлганда ажралишиб кетишди. Буга онамнинг биринчи муҳаббат билан қайта топишгани сабаб бўлди. “Онасини кўриб қизини ол”, деганлар. Энди менинг тақдирим нима бўлади?

ХУШРҲҲ

ринча никоҳсиз фарзанд кўрддингиз.

18 ёшдаги биринчи муҳаббат деб оила, фарзандлардан кечиб керак бўлса, ундай муҳаббатнинг бори-дан бўлмагани афзал эмасми?

Уч бегуноҳ фарзандингиз уволчи ҳали сизни уради.

Аслида-чи, сиз жаннатий эдингиз. Нодирроу, Увайсий авлоди... Сизга нима бўлди?

Феруза ХАЙДАРОВА,
мактаб ўқувчиси
Тошкент шаҳри

МУҲАББАТНИ ИЗЛАМА КҮКДАН...

“Тўйим яқин, лекин” — 15-сон

ЭСЛАТМА: Оромгоҳда тарбиячи бўлиб ишлардим. Шу ерда ишлайдиган Хушрўй исми йигит мени севиб қолди. Мени М. исми ҳарбий йигит билан фотиҳа қилиб қўйишганида Хушрўйни севиб қолганимни англадим...

СОҲИБА



Соҳиба, инсон қалбининг бир бўлаги бўлиш тўғриси, муҳаббат ҳақида сўз очибсиз. Аммо у қанчалик нозик эканлиги, биллурдек беғубор, асалдек

ча ёзишини, гуллашини интиқ билан кутади, ундан севиб гулдastasини тайёрлаб, севилисига беришни орзу қилади. Соҳиба, сизга маслаҳатим,

ота-онангизни рози қилинг, албатта бу ҳаёт йўлингизни топишда асқотади. Тақдир ўйинида ютқазманг, қисмат сизни аямайди. Сиз кўздан оққан ёшларга эмас, сеҳрли нигоҳларга боқинг, қалбнинг кўзуси кўзидир. Қалбнингизга қулоқ солинг ўшанда сиз муҳаббат қўшиғини топасиз. **Муҳаббатни излама кўкдан, У бўлмайди самода ахир. Муҳаббатни излама тоғдан, У суймайди, аслида чағир. Муҳаббатни излама йўлдан, У кетмайди, сендан да олис. Муҳаббатнинг асл макони, Кўксимизга яшириган ҳис. Соҳиба РАҲАБОВА**
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани



Мехридарё онажоним САЙЁРАБОНУ!

Сизни кутлуг 56 ёшингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахту-саодат тилаймиз. Отам билан иккинги бошимизда соғ бўлинглар.

Суйган ва севган фарзандларингиз

Бухоро шаҳри



Хурматли укам БАХОДИР!

Сени 22 сентябр таваллудингнинг 35 йиллиги билан табриклаймиз. Сенга соғлик, бахт, ишларингда омадлар тилаймиз. Умринг узоқ бўлсин.

Аканг Жумағали, кеннонинг Шаригул ва Туймабоевлар оиласи

РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

КОШИДАГИ "ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2 ОЙЛИК:

1. Бичиш-тиқиш (тезкор гуруҳ). 2. "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тиқиш. 3. Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш. 4. Сартарошлик. 5. Компьютер билимлари. (Windows-98). 6. Массаж. (амалиёт билан). 7. Фантазияли гул безакларини ясаш. 8. Косметология.

3 ОЙЛИК:

1. Зардўзлик (Бухороча). 2. Машинада гул тиқиш. (вишияка). 3. Кўрпа-кўрпача ва тўн тиқиш. 4. Юмшоқ ўйинчоқлар ва бешик асбобларини тиқиш.

4 ОЙЛИК

Бичиш-тиқиш (бошловчилар учун). Машгулотлар амалиёт билан бўлиб қўшиб олиб бо-

рилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирамалар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.

1. Манзил: Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт кўмитаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстлиги" бекати.

2. Манзил: Миробод тумани Олтин кўл 2 тор кўча, Қора сув маҳалла идораси, мўлжал Ресей бозор, (Узямасомолторг) Тел: 191-78-02.

3. Манзил: Қора-Қамиш даҳаси 2/3 31 уй, 56 хонадон. Тел: 29-61-86, 29-53-34.



ОИЛА - 21

Ёши 26да, ажрашган, ораста, саранжом-сарийта, пазанда, ҳамшира, тошкентлик аёл ҳаётнинг оғир-енглилини тушунадиган ёши 35 гача бўлган тошкентлик йигит билан турмуш қурмоқчи.

Тортлар, пишириқлар, салатлар тайёрлашнинг назик сирларини ўргатаман.

Тел: 22-31-37

Пейж: (088-3137)

ИЙМОНЛИ - ИСОФИЛ БУСА...

Ёшим 45 да. Олий маълумотли олимман. Нуфузли давлат идорасида ишлайман. Уй-ҳойим, бир ўғил фарзандим бор. Аммо турму-

шим бузилган.

Иймонли-ин-

софли инсон билан ҳаётимни боғ-

лаб, турмуш қурмоқчиман.

Фарғона шаҳри

Кайда ўзи ўша бахт?

МАНЗУРАХОН

ТАҚДИРГА ТАН БЕРМАЙ ИЛОЖ ЙЎҚ

Кунларнинг бирида онам анча йиллар бундан юз берган воқеани айтиб берди. Тушида оламдан ўтган кўшни кампир онамга бир коса егулик берибди-да, «Урнига бошқа нарса оламан» - дея кўздан ғойиб бўлибди. Ўлган одамни қўлидан нарса олиш беҳосият бўларкан, кўп ўтмай сопа-соғ юрган тўнғич акам Эркинжон сувга чўкиб, оламдан ўтади.

Яна бир кун онам тушида ёшлик чоғларини кўрибди. Боғда дугоналари билан сайр қилиб юрган паллада иккита оламани ўқилидан - бу қўлга отиб ўйнаришди. Бехосдан олмадан бири «тап» этиб ерга тушибди. Ўша маҳалда онамни ҳомиладор чоғлари экан. Эрта тонгда кўрган тушидан қўнғилларига гашик оралаган. Онам кўп ўтмай эгизак фарзанд кўради. Афсуски, шифокорларнинг қўполиги оқибатида чақалоқлардан бири ерга тушиб, бевақт оламдан кўз юмади. Икки фарзанд туғиб, бирини ерга бериб, бирини қўлга олиб касалхонадан чиққан онажоним ўша муҳиш тушини эслайди-ю, тақдирга тан беради. Бу йил жияним ўқишга кирди. У ўқишга

тайёрланиб юрган пайтларда мен бир туш кўрдим.

Эмишки, жияним иккаламиз ёлғиз оёқ йўлдан бориб тоққа чиқиб кетаямиз. Тонинг энг баланд чўқисига чиққунча роса чарчаб, қўлларимиз, оёқларимиз шилинибди. Аввал қояга ҳарсиллаб мен қадам қўйдим, сўнг ортимдан тирмашиб чиқиб келаётган жиянимга қўл узатдим. Қарасам, қўллар, тирсакларим қон, шилиниб кетибди. Зўрға тортиб олиб, қаддимизни тикладик.

Шу маҳал топ-тоза ҳаво кўксимизга урилди. Кўм-кўк мусофиф осмон, теварак-атрофдаги ажиб бир сокинликдан иккимиз ҳам энтикиб кетдик, чарчоғимиз ҳам унут бўлиб тушимда роса чопдик. Уйғонганимда энди тонг ёришиб келарди.

Унча кўп ўтмай уч йилдан буён ўқишга киришмаётган жияним талаба бўлди. Кўрган тушини онамга айтганим, «Қон - бу ёруғлик, Худо хоҳласа у ҳам, сен ҳам ниятингга етасан», - деганди. Жияним талаба бўлган, онамни гапида жон борлигига амин бўлдим.

Ф. ТОХИРОВА

ХУДДИ БАПОРАТ ҚўЛЛАШГАНДЭ...

Бу воқеа худди олдиндан битилган башоратга ўхшайди. Менга бунини узоқ Украинадан ўзбек хонадонига ҳам қиз, ҳам келин бўлиб келган аёл гапириб берди.

- Ёшгина қизча эдим. Биз шаҳарнинг қоқ ўртасидаги 12 қаватли бинонинг 9-қаватида яшардик. Дадам тез-тез сафарда бўлар эдилар. Оиланинг ёлғиз фарзанди бўлганим учун мени авайлашарди. Бир кун нон пишириш ҳақидаги курсатувда Украинанинг кичик бир қишло-

деб сўради. Ахир биз 9-қаватдамыз, ундай яшаш учун қишлоқ шароити бўлиши керак», - дедилар. Мен бир кун ўз билганимча духовкамизда нон пиширдим. Ноннинг четларини қорароқ қўлиб олдим ва ўз ишимдан ўзим хурсанд бўлиб ейишга тушдим. Шу пайт ишдан онам ва дугонаси кириб келишди.

Улар менинг ишимни кўриб аввалига қулишди, дугонаси эса: «Сен жуда узоқ ўлкага келин бўласан, турмуш ўртоғинг эса қорачадан келган бўлади», деб айтди. Мен ва онам у кишининг гапига ҳайрон қолдик. Ҳамда қорачадан келган ўша шахзода ҳақида гаплашиб, анча қулишдик. Ва бу кўвни «негр» бўлса керак деб фарз қилдик.

Йиллар ўтди. Тақдир мени Ўзбекистонга етаклади. Турмуш ўртоғим қорачадан келган ўзбек ўғли. Мана энди тандирларига иссиқ нонлар ёпиладиган ўзбек хонадонининг сеvimли келинимиз. Тақдирим шунақа белгиланган экан.

Д. НОРМУРОВО

Термиз шаҳри

"BEGOYIM - SERVIS"

Ўқув маркази қизларни турли хил курсларга тақлиф қилади:

Сартарошлик 1 ой (тўй ва оқшом гуллари); Сартарошлик 2 ой (бошланғич); Бичиш-тиқиш 4 ой; Қандолатчилик 2 ой (торт, салат, пеньяле); Уй ҳамшираси 2 ой (амалиёт билан); Массаж 2 ой; Парда 2 ой (парда, пайравал, чойшаблар тиқиш); Олий даражадаги қандолатчилик 1 ой (келин-куёв яшаш, торт безатишлар); Косметология 2 ой (амалиёт салонда); Инглиз тили 3 ой (бошланғич); Автослесарлик; Ўғил болалар учун 3 ой (электрик, моторист, чилангир, костапав).

Ҳамма дарслар амалиёт билан ўтилади ва диплом берилади.

Мўлжал: Поликлиника, Ўрда бекати

Манзил: Мустақиллик метроси, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 74-хона

Телефонлар: 144-40-47, 41-16-63



"Madina Begim"

Ўқув маркази қуйидаги курсларга ўқишга тақлиф этади:

3 ОЙЛИК: Сартарошлик (3-ой амалиёт); Уй ҳамшираси (3-ой амалиёт); Массаж, умумий (3-ой амалиёт); Инглиз тили. Бошловчи ва давом эттирувчилар учун. 2 ОЙЛИК: Косметология; Компьютер (индивидуал); Тасвирий манокюр; Эркаклар сартароши (2-ой амалиёт); Парда ва покривал тиқиш (Элита усулида); Тикувчилик - 5 ой. Қўлда тўқиш; Пальто ва плацд тиқиш. 1 ОЙЛИК: Маникюр, тасвирий; Қандолатчилик, (торт безаги) олий курс сирасорлари билан ўргатилади; Сартарошлик, тўй-оқшом гуллари.

1-Манзил: "Хадра" меҳмонхонаси ичида, 5-қават, 510-хона. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 қаватли бино, 144-93-75. 2-Манзил: Алгоритм мавзеси, 126-мактаб ичида. Мўлжал: 13, 69-автобусларнинг охири бекати. Тел: 144-28-11, 45-95-48, 170-58-00, 144-94-96

"Дилбарим - сервис"

ЗАМОНАВИЙ Ўқув маркази қизларни қуйидаги курсларга тақлиф қилади.

1 ойллик: Бадий манукюр, педикюр; 2 ойллик: Косметология, Сартарошлик; 3 ойллик: Умумий массаж (амалиёт билан), Уй ҳамшираси (амалиёт билан), Акушерлик (амалиёт билан), Торт, пиширик ва салатлар (олий тоифа 10 кунлик), Элита услубида парда, чойшаб, ёстик жилдлари тиқиш, Зардўзлик (Бухоро услубида), Фантазия гул безаклари, Юмшоқ ўйинчоқлар тиқиш, Компьютер сабоги; 4 ойллик: Тиқиш-бичиш (хоҳловчилар учун чокдан бошлаб), Инглиз тили - бошланғич ва давом эттирувчилар учун. Ўқишни тамомлаганларга диплом берилади ва иш билан таъминланади. Манзилимиз: Сирғали - 3. 3-уй УПК биносининг 3-қавати. Мўлжал: Сирдарё кафеси ёнида. Тел: 8.00дан 22.00гача - 49-18-71, 10.00 дан 16.00 гача - 57-37-86. Авт: 40,47,75,86,98,130,58. Трол: 19 Ямарка бекати.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ГОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФИРГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ўғил ва қиз болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуғ, простата беги касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.

Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. «Чорсу» шохбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023.

Лицензия рақами 3271

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази тақлиф қилади.

3 ойллик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларни таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ойллик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL. - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. 1-С Бухгалтерия дастури - 1 ойллик. - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиха институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ: - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой.

1-Манукюр ва педикюр - 1 ой. 2-Фармацевт-4 ой. 3-Бичиш-тиқиш (замонавий моделлаштириш)-3 ой. 4-Эркаклар костюм-пальтоси-2 ой. 5-Парда, пайравал (замонавий Элита усулида). 6-Торт ва салат (оддий ва олий курси)-3 ой. 7-Массаж-2 ой. 8-Аёллар костюм-пальтоси-2 ой. 9-Косметология-2 ой.

ДИККАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, келин-куёв либослари ижарага берилади.

Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИЧИШ ВА ТИҚИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОХИР ҚўЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

— Моделинг-технолог (Бичиш-тиқиш курслари) — 2; 4 ойллик — Моделинг конструктор (янгиларни яратувчи, 100% бичиш билан шугулланувчи шарти асосда) — 2 ойллик — Эркаклар кийими — 2 ойллик — Аёллар костюми, пальтоси, плащи — 3 ойллик — Дарпарда, парда, чойшаб, ёстик, дастурхонлар — 1,5; 3 ойллик.

ДИККАТ! Хоҳловчилар учун яқин тарзда кичик-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади.

Битирилганларга диплом берилади.

Қабул ҳар кун (яқинбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.

Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби,

4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темури" бекати,

Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси нарча турдаги аллергия, бугин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталиғида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касалликларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Травмат — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.



Ёшим 18да. Онам 39 ёшдалар. 1982 йилда ота-онамнинг тўйлари бўлиб ўтган. Онам келин бўлиб тушган оила жуда катта. Бир йилдан кейин мен туғилган эканман. Орадан етти ой ўтгач, дадам хизмат сафарига жўнаб кетди-

ларимиз, палосларимиз бўлмаган. Бу-вим хаттоки чойнакни олиб кўйиб: "Ўша ерда ишлаб оласизлар", - деган. Менинг иштончаларим солинган бўҳча-ни бошларига ёстиқ қилиб кўйиб, эски бир кўрпада ётганлар. Онам ҳам,

син", деб бу ситамларга чидади. Уйи-миздан 7 йил жанжал аримади. Кунда жанжал, тўполон бўларди. Охири да-дам уйдан чиқиб кетди. Орадан 6 ой ўтиб онамнинг катта акалари ўртага тушгач, дадам қайтиб уйга келди. Ле-

сўрасак пулни нима қиласан", деб пўпса қилади. Мен 8-синфин бити-риб медицина коллежига кирдим. Аммо стипендия олмайман, контракт асоси-да ўқийман. Онам жуда ҳам ойлик ола-дилар. Отамиздан келадиган алимент пулимиз эса ундан ҳам кам. Бу ойлик-дан бу ойликка зўрга етказамиз.

Кунларнинг бирида мен онамга: "Она, сиз ҳам ўзингизга яраша яхши одам-ни топиб яшанг. Мен ва синглим вақ-тинчаликмиз. Биз ҳам турмуш қуриб кетамиз. Укам эса энди 10 ёшга тўлди. Ҳозирнинг ўзида аҳволимиз огир. Кей-ин сизга қийин бўлади. Қариган чоғи-нда ёнингизда сизни тушунадиган одамингиз бўлиши керак", - дедим. Онам эса ўйлиниб қолдилар.


Мен ёшлигимдан бери ота меҳрига зорман. Чунки отамиз бизга нисбатан раҳмсиз эди. Оғзидан бирор ширин сўз эшитмасдик. Бизнинг келажакда-ги ҳаётимиз билан иши йўқ эди. Мен хоҳлардимки, қани энди онамизни бирор тушунадиган, қадрлайдиган ин-сон топилса... Биз гўёки келажгимиз йўқдай яшаямиз. Биз ҳам бошқалар-га ўхшаб бахтли, тинч-тотув, ҳеч кан-дай камчиликсиз яшагимиз келади. Мен оилалар бузилмаслигини, бола-лар бахтига ота-оналар соғ-омон бўлишларини хоҳлардим. Менинг ота-онамга ўхшаш ота-оналар ўйлашлари мумкин: "Фарзандларим ёш, ҳеч нарсани тушунишмайди", деб. Лекин бо-лалар жуда таъсирчан бўлишди ва ҳамма нарсаси ақллари етади. Билмай-ман қачон бизга бахт қулиб боқади? Ҳаёт асли мураккаб экан. Оллоҳ ҳар бир хонадонга бахт бермаса бошқаси бекор экан.

Азиз юртдошларим, кўз ёшим билан битган дил изҳоримни ўқиб, қандай фикрга келасиз, у сизнинг ихтиёри-нгиз. Мен эса интизорлик билан мас-лаҳатларингизни кутаман.

ДИЛНОЗА

Навоий вилояти

ОНАМ БАХТЛИ БЎЛСА ДЕЙМАН...



лар. Онамнинг қайнона-қайноталари эса келинга рўйхушлик бермайдиган одамлар экан. Дадам хизмат сафари-дан қайтганларидан сўнг, биз Навоий-га кўчганмиз. Мен у вақтлар анча ёш эсам-да, лекин яхши эслайман. Ша-ҳарда ҳам биз моддий томондан анча қийналиб яшадик. Идиш-товоқ, кўрпа-

отам ҳам бир ярим ставкадан ишлаб аста-секин уйга идиш-товоқ, кўрпа тўшақ олганлар. Кейинчалик уйимиз мебелга, гиламларга тўлиб кетди. Уй қурдик, укамни суннат тўй қилдик, машинали бўлдик. Бора-бора дадам онамларни назар-писанд қилмай кўйди. Уйга кеч келадиган, хатто тун-лари келмайдиган бўлди. Онам эса бу-нинг олдини олмоқчи бўлиб қанча уринсалар ҳам иложи бўлмади. Онам дадамга: "Нега кеч келдингиз, қаерда эдингиз?" - деса, онами, бизни кал-такларди. Онам кечки сменага ишга кетганида дадам ҳам чиқиб кетди. Биз эса ёлғиз қолардик. "Агар онангга айт-санглар, калтак ейсизлар", - дерди. Кун-ларнинг бирида онам дадамни бир аёлнинг уйдан қидириб топди. Шун-да дадам онамдан кечирим сўради. Орадан уч йил ўтгач, дадам яна эски қилиғини бошлади. Фақат бошқа аёл билан. Унга ва унинг ўғлига биз ема-ган ширинликлар, онам киймаган чарм плашлар олиб берди. Онам эътироз билдирсалар: "Уйдан чиқиб кет", - дей-диган бўлди. Онам неча мартаба уй-дан чиқиб кетиб яна қайтиб келган. Да-дам кундан-кунга инжиқ, бизни ёқтир-майдиган бўлиб қолди. Онам бир овқатни пишири- "Бошқасини ейман", - деб ар-зимаган сабаблардан жанжал чиқарарди. Бизнинг кўлимиз-дан ҳеч нарсаси келмасди. Онам оилани сақлаш учун «Фарзандларим отасиз ўсма-

кин ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди. Яна орадан 2-3 ойлар ўтгач, онам дадамни бир аёл уйдан топиб келди. Онам оила бузилмаслиги учун қайноталари-нинг олдига ёрдам сўраб боради. У киши: "Бунақа машамшаларга аралашиб юришга менинг вақтим йўқ", - деб жа-воб берибди. Бу воқеалар руҳиятимиз-га жуда каттиқ таъсир қилар эди. Бир куни отам: "Ажрашамиз", - деб туриб олди. Онам қаршилик кўрсатмади. Чун-ки етти йиллик жанжаллар ҳаммамиз-нинг жонимизга теккан эди. Дадам уй-даги барча мебел, музлатгич, конди-ционер, хатто идишларини ҳам олиб кет-ди. Уйимизда ҳеч вақо қолмади. Онам-нинг дадалари раҳми келганидан оз-гина пул берди. Биз эски диван ва ши-фонер олдик. Хатто кичкина ликопча-миз ҳам йўқ эди. 3 йил бўлди ота-онам суд орқали ажрашди. Энди биз тинч яшаямиз. Дадам бошқа бир аёл билан яшаяпти. Бизга вақти-вақти билан кўнғироқ қилиб туради. Телевизоримиз йўқ эди. Кичкина телевизор сотиб олиб берди. Бир марта унимиз қолмади, де-ганимизда бир халта ун олиб берди. Да-дамнинг уйига бориб тураемиз. Сал гап-га уришаверди. Мен: "Дада, унақа эмас, бунақа", - десам: "Сен ҳам онангга ўхшайсан", - дей-ди. Қайтиб уларникига бор-масликка ҳар гал аҳд қила-ман. Лекин онам: "Ахир у сизларнинг отангиз", деб бизни дадамникига юбора-ди. Борганимизда: "Пул



Бу мактубни Севги деб аталмиш туйғунинг аянчили азобларида қолганлигим сабабли ёзаялман. Кошки шу билан кўнглим таскин топса?.. Инсон ҳаётида шундай вақт-лар бўлар эканки, оддий бир нарсаларга ҳам ақли етмас-дан, қай йўлни танлашни билмасдан одамларнинг мас-лаҳатларига зор бўлиб қолар-кан. Мен ҳам ҳозир худди шу

тиратган оғриқлар таққа тўхта-ди гўё. У менга уч-тўрт кун-лик муолажа ёзиб берди. Мен эса унинг ҳузуридан соғайиб чиқиб кетгандек эдим. Шу ўтган уч-тўрт кун ичида мен бу шифокор йигитга ипсиз боғла-ниб қолгандим. Даволаниш ту-гаганидан кейин ҳам оёқларим мени беихтиёр ўша поликли-ника томонга бошлайверарди. Бу кўркем йигит мени тамоман

учрашувлар кўнглимга туган-мас бахту-саодат лаҳзаларини бағишларди. Лекин, севгим ҳақида бир оғиз ҳам гапира олмасдим. Қизлик ифратим бунга йўл қўймасди. Фақат тит-раганимча ерга қараб унинг сўзларини тинглардим. У эса албатта менинг ички сирла-римдан, туйғуларимдан беҳа-бар самимийлик билан қизиқ-қизик гаплардан гапирарди,

УНИ СЕВГИ ХАТО ҚИЛДИММИКАН?

ахволдаман. Бу ҳақда на онам-га, на опамга ва на дугоналар-имга айти оламман. Мен шу қадар каттиқ севиб қоламман, деб ўйлагандим. Жуда қий-налиб кетдим. Аслида ўзим жуда чиройли, мағрур, унча-бунча йигитни назар-писанд қилмайдиган қизман. Тош-кентдаги олийгоҳлардан би-рида магистратурада ўқийман. Яхши, зиёли бир оиланинг фарзандиман. Очигини айт-сам, шу ёшгача севги нима, муҳаббат нима билмаганман. Хатто, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман. У йигит билан шифохонада танишгандим. Ўшанда эрта баҳор, айнаи бо-домлар гуллаган пайт эди. Икки кундан буюн тиш оғри-фига мубтало бўлиб азобла-нардим. Бир амаллаб шифо-хонага бордим. Анча вақтли бўлишига қарамасдан у ерда одам жуда кўп эди. Навбатим етиб келиб врачнинг ҳузури-га кирдим. Мени қабул қил-ган врач шу қадар ширин сўз, очиқ чехра эдики, бирданги енгил тортгандек бўлдим. Тўни билан вужудимни қал-

сеҳрлаб қўйганди. Уни бир кўриш умидида атайлаб шу по-ликлиниканинг ёнидан ўтаве-рардим. Узокдан бўлса ҳам уни кўргим келаверарди. Бу-нақанги ҳолат ҳаётимда би-ринчи марта бўлаётганди. Бал-ки бу гапларим сизларга кул-гули туюлар, лекин... Мен уни севиб қолганимга иқдор бўлдим. Ўтирсам ҳам, турсам ҳам уни ўйлайдиган, кечалар-ни бедор ўтказадиган бўлиб қолдим. Илгари касаллик азо-бидан қийналиб ухламаган бўл-сам, 25 ёшга чиқиб муҳаб-бат дардига дучор бўлиб қий-наладиган бўлиб қолдим. Унинг қаерда туришини бил-масам-да, Беруний метроси-дан чиқиб уйига кетишини би-либ олгандим. Шу ерда туриб унинг ишдан қайтишини ку-тадиган одат чиқардим. Соат кеч еттиларга яқинлашса, уни кўриш учун метрога ошканман. Шу тариха уч-тўрт марта у би-лан учрашиб қолдик. У эса тез-тез учрашиб қолишимизга ҳай-рон бўларди. Ахир атайлаб унинг йўлларини пойлашим-ни умуман билмасди-да. Шу

холос. Шунга ҳам олти ойдан ошди. Шу кунларда ҳам ўша жойга бориб тураман. Фақат бир четда туриб у то автобу-сига ўтириб кетгунича армон билан ортидан қараб қоламан. Бу қилиғимдан ўзимдан ўзим уялиб кетаман. Лекин наилож, севиб қолиш ёмон экан.

Унинг оиласи борми йўқми менга қоронғу. Сўрашга ҳам бо-тина олмайман. Балки, уни иш-дан келишини интизорлик бил-лан кутгучи суюкли ёри-ю, ширин-шакар фарзандлари бордир? Севгимни унга ошкор қила олмаслигимнинг сабаби ҳам худди ана шунда. Буни ўйлашнинг ўзидан ваҳимага ту-шаман баъзан. Ушбу савол мени туну-кун қийнайди, азоб-лайди. Мен энди қандай йўл танлашини ҳам билмайман. Уни севиб гуноҳ қилдиммикан? Наҳотки умримда илк бор се-виб қолсам севгимга эриша ол-масам? Айтинг азизлар, мен энди нима қилай? Маслаҳатла-рингизни интизорлик билан ку-тиб қоламан.

АСАЛОЙ

Мирзо Улугбек тумани

ОИЛАСИ БУЗИЛИШINI ИСТАМАСДИМ

Ёшим 24 да. 16 ёшимда Э. исм-ли йигит билан севишдик. Кейин билсам унинг оиласи бор экан. Шундан кейин ундан мени тинч қўйишини талаб қилдим. Лекин у мени севишини ва тур-муш ўртоғи билан ажралишини айтди. Мен эса унинг оиласи бузилишини истамасдим ва бошқаларга турмушга чиқдим. Э. ҳар куни уйимга борар, мени тинч қўймасди. 2 ойдан кейин турмуш ўртоғимни севмаслигим сабабли ажралишдик ва шу саба-ба Э. билан яширинча яшай бошладик. Бу орада Э. икки фарзандли бўлди. Лекин ҳамон мендан кечмайди. Э. менга фар-зандсиз вақтида турмуш ўртоғи-ни ёқтирмаслиги сабабли аж-

ралишини айтганда ҳам рози бўлмагандим. Энди эса уни жуда севаман. У ҳам мени се-вади. Бир-биримизсиз бир кун ҳам яшолмаймиз. Яқинда тур-муш қуриш ниятимиз бор.

Мен аслида унинг оиласи бу-зилишини сира-сира истама-гандим. Аммо, унга оиласи бил-лан ажралишмаслигини айтган куним хотинини азоблаб қий-нар, унга мени севишини айт-тиб ҳайдаб солар экан. Хотини эса шунча азобларга чидаб кел-моқда.

Азиз юртдошлар, бизнинг ишмииз тўғрими? Менга масла-ҳат беринг.

Д.

Хоразм

ҚАРШИДОП БЎЛСАК ҲАМ...

Ёшим 18 да. Бир куни ам-манинг ўғли Д. бизникига меҳмонга келди ва боғни бир айлашиб чиқишни тақ-лиф қилди. У мендан: "Сев-ганмисан?" деб сўради. Мен "йўқ" деб жавоб бердим. У бўлса: "Мен ҳаётда бир қиз-ни севаман, лекин айтол-майман. Лекин бугун ўша гапни айтадиган кун келди". Бу гаплар менга те-гишли эканини сезиб уялиб кетдим. Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. У: "Сени бир кўришда севиб қолган-ман, мен фақат сени сева-ман дейман", - деди. Мен ҳам уни севиб қолганимни айт-гим келди-ю уялдим. У мен-га: "Ўйлаб кўр", деб муҳлат берди. Мен ҳам ниҳоят Д.га севишимни айтдим. Ўша кундан бошлаб бир-бири-ви-

миздан узоқлашгимиз кел-майди. Д. менга роса ишо-нади. Мен ҳам уни жоним-дан ортиқ севаман ва ишо-наман. Мен Д.ни йўқотиб қўйишдан кўркеман. Уни ҳатто бир кун кўролмасам тура олмайман. Д. ҳам мени еру кўкка ишонмайди. Ота-онамга "Д.ни севиб қолган-ман, мен фақат уни турмуш-га чиқаман", - дедим. Онам: "Қизим, Д. яхши йигит, ле-кин қариндошимиз-ку...", де-дилар. Мен: "Нима бўпти?", десам, "Қариндошга қиз бе-риб бўлмайди", дедилар. Мен Д.га тегмасам жинни бўлиб қоламман, деб ўйлай-ман. Д. сиз менга бу дунё қоронғу ёки севгим учун ку-рашайми, нима дейсиз?

ГУЛНОЗА

Тошкент шаҳри

ЭРКАК САДОҚАТИ

Бувимларнинг ховлиси жуда кенг, ён-атрофи мезазор боғ эди. Мен болалик кезларимда кўпинча уларнинг ховлисида юрардим. Кўшни болалар билан девору даракларга тирмашиб, кунни кеч қилардик. Уша пайларда улар жуда пастак, томлари деярли бир-бирларига қўшилиб кетган бўларди. Бувимнинг девор-дармийён кўшниси Мирабдулла амаки аёли Нафиса хола билан ахилу иноқ яшарди. Иккита ширин-шакар ўғиллари бор эди. Лекин кишлоқда: "Мирабдулланинг уйи ўрнида илгари жинлар яшаган, шу уйга кўчиб киришганидан бери эру хотинни безовта қилаверишди, охир-оқибат ўша уйни кулф-калит қилиб, ёнидан бошқа уй солиб шунга кўчиб чиқишди", - деган узунқулоқ гаплар юрарди. Уларнинг айтишларича, Мирабдулла амаки аёлига: "Хеч нарсадан қўрқма, доимо каллимаи шаҳодатни айтиб юр", - дея тайинларкан, лекин аёли: "Вой, кўзимга хар балолар кўриняпти, бу ердан кўчиб кетайлик", - дейишни кўймаскан. Хуллас, бу миш-мишлар ғалати бир воқеага улашиб кетди...

Бир кун Мирабдулла амаки ишдан кечроқ қайтди. Карасаки, Нафиса хола уйда йўқ. "Тавба, шу маҳалда қаёққа кетган бўлиши мумкин", деб ўйлайди, сўнг юрагига ваҳима тушиб, дарҳол ухлаб ётган катта ўғлини уйғотади. «Онам кечкурун мени кимдир чақиргандай бўляпти, чиқиб қарай-чи», - деб ташқарига чиқди. Кўп кутдик келавермади, чиқиб қарашга қўқдик. Охири ухлаб қолдик", - дейди у. Мирабдулла амаки тезда кўни-кўшниларни йиғди, афсуски шунчалар зич жойлашган, ҳатто кечкурун ҳам қадам товусини эшитиб турадиган сергак кишлоқ одамларининг бирортаси Нафиса холани кўрмаганини айтишади. Кампирлар: "Балки жинлар ақлидан оғдириб, бирор ёққа бошлаб кетишгандир", - дейишади. "Бу уйнинг ёнидан яна уй қурмай, кишлоқнинг чеккароғига бориб яшасанг бўлмасмиди, ўзи?" -

дейишади чоллар. "Нима қилай, шу ерга ўрганиб қолгандим-да", - дея ҳаммага қараб жавдирайди Мирабдулла амаки. Сўнг яна аёлини далау дашлардан, канал ёқаларидан ахтаришга тушади. Тавба, бу мусиқадек безор, кишлоқдан ташқарини кўрмаган содагина аёл қаёққа кетиши мумкин? Мирабдулла амаки буни ўйлагани сайин, "Чиндан ҳам бу жинлар ишимикан?", - дея ваҳимага тушаверарди...

Хуллас орадан йиллар ўтди. Ўғиллар вояга етди. Мирабдулла амаки ҳам энди кексайди, йўлга қараб умрини ўтказди. Бир кун биз қизлар билан мактабдан қайтаётсак, бува қўлида асо, қадди дол бўлиб секин-секин одимлаб кишлоқ томон бораётган экан. "Бува-жон, қаёққа кетаяпсиз?" - дедик қизиқиб. "Қаёққа борардим, болаларим. Нафиса холаларининг дараклаб юрибман-да, мана ўн-ўн беш йиллар бўлди, бирор киши кўрдим демайди..." Бува-нинг товуси титраб кетди, гўё бизга дардини айтиб енгил тортгандек, тез-тез илгарига юриб кетди...

Ўғиллар бўй етгач, Мирабдулла бува уларни уйлантирди, қатор-қатор набиралар кўрди, лекин эшиқдан кўзини узмади. Ён атрофдагилар, "Бўлди-да, энди. Келса шунча йилдан бери келарди. Тили-забони бор-ку ахир, тирик бўлганида, "Мен фалон кишлоқда яшайман, ўша ёққа олиб бориб қўйинлар, дерди-ку. Аза очақол шўрликка энди", - дейишди. Мирабдулла бува кўнмади. "Мен аза очсам, сўнг у бир кун кириб келса, юзига қандоқ қарайман", - деди юм-юм кўз ёши тўкиб. Хуллас, аза ҳам очолмади. Шу орада Мирабдулла буванинг ўзи ҳам омонатини топириб қўялоқди...

Агар Нафиса хола сирли равишда ғойиб бўлганидан сўнг қачондир, қай ерда омонатини Аллоҳга топширган бўлса, Мирабдулла бува эса, унинг олдида чин садоқат билан, ёруғ ўз билан кетган эди... Садоқат, меҳр-мухаббат шунчалик катта куч эканини биз ўшанда фаҳмлаганмиз.

Чўлпоной МЕЛИКҶИЕВА

ХУЛОСАГА АЛТИҚ

Бувам ёймачи-баққол эди. Ёшлари бир жойга бориб қолганларига қарамай, Худо берган кун каллаи сахарлаб бозорга йўл олардилар. Қариндош-уруғларнинг қатъий эътирозларига қарамай, ўз юмушларини қўймасдилар.

Уялмай қўя қолларинг, мен ишдан қолсам, ўлиб қоламан. Оллоҳга шукр, фарзандларим топармон-тутармон, бунинг устига меҳрибон, рўзғорда камчилигим йўқ. Лекин имкониёти қадар хар бир одам тирикчилигини ўзи ўтказиши керак, - деб айтар эдилар.

Ўқшидан кейин бозорга бориб у кишидан хабар олардим. Дам олиш кунлари эса кун бўйи бирга бўлардик. Бувам бошқа чолларга ўхшамас, кам гап эди. Бир-биримизни бир қарашдан тушуниб олардик. Олди-сотди молларига баҳо қўйишга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашардилар, чунки "ҳалолдан қўймайсин, текни барибир тешиб чиқади", деган нақлга қаттиқ ишонардилар.

Саккиз ёшларда бўлсам керак, йўлда кетаётиб уч сўм топиб олдим. Бувам бунни кўриб: "Чўнтагинга солма, олиб бориб бирорта муҳтожга бер", - дедилар. Шу пайт рўпарадан келаётган уч-тўрт маҳалладош кишилар бувам билан сўра-

шиб кетишди. Мен болалик қилиб, пулни чўнтагимга солдим-у, унутиб юбордим.

Уйга кечкурун қайтдик. Бувам хуфтон намозини ўқиб, бир оз хордиқ қизганларидан сўнг савдодан тушган пулни санай бошладилар. "Ўргансин", деб тушумини менинг иштирокимда санардилар. Хар доим икки марта санайдиган одам бу гап уч марта санайдилар. Кўнгиллари тўлмади.

- Ўғлим, негадир пул анча кам чиқаяпти, қани сен ҳам сана-чи, - дедилар.

Санадим, натижа бир хил. Кўзойнаклари устидан менга синчилаб қараб: "Сен ҳеч нарса олмаган эдингми", деб сўрадилар.

- Йўқ, - деб жавоб бердим.

- Нега бўлмаса кам чиқаяпти? - деб хаёл сурдилар.

Мен хижолат бўла бошладим. Шу пайтда бувам: "Тўхта-чи, эрталаб топиб олган пулни нима қилдинг?" - дедилар.

Чўнтагимдан пулни олиб "мана ёним-да", дедим.

- Мен сенга нима деган эдим?

- Эсимдан чиқиб кетибди.

- Эй бўтам, машойихларнинг: "Текин тешиб чиқади", деган ҳикматлари қанчалик рост эканлигини кўрдимми, - деб маъноли жилмайиб қўйларди бувам. Мен эса иккинчи бундай иш қилмаска аҳд қилдим.

Мутал ОМОНУЛЛОХ

Тошкент

Эрталаб автоҳалокатдан фожеали ҳалок бўлган Мойлиқорани кеча яқин дафн этиб келишди. Азонлаб ўзининг "Тико"сида Деновга жўнаган Мойлиқора бир чақирим ҳам йўл босмасдан маҳалла қабристонига яқинида ҳалокатга учради. Машина текис, камқатнов асфалт йўлда бир нарсага урилмасдан, тўқнашмасдан, йўл четигадаги кафтдек ялангликка оёғи осмондан бўлиб тушган эди. Мойлиқоранинг бирон жойи синмаган, чиқмаган, баданида лат еган ёки урилган жойи йўқ, бирор жойида бир томчи қони ҳам кўринмайди-ю, ҳатто кийимининг ёқаси

урибди-да, дўхтир?

- Ростдан ҳам буми, бошқа бирон яқин кишисини қандайдир биронта назарқарда одамни норози қилиб, қарғишини олган. Бўлмаса, булардан устма-уст бундай чиким бўлмасди, яқинда Бухорода бир қариндоши ўлганди, орадан сал ўтмай Деновдаям битта қариндоши вафот қилди.

- Э, зоти қуриб, оти ўчсин буларнинг.

- Қўйинглар энди, ўлганнинг орқасидан гапирманглар. Ким бўлган бўлсаям, қилмишига яраша уёқда жавобини бераверади энди. «Кора кўй ҳам, оқ кўй ҳам ўз оёғидан осилади».

Мурдани текширган дўхтирлардан бири ушбу ҳолатни шундай изоҳлади:

- Мойлиқоранинг кўзига тўсатдан бир нарса кўринган, одамни, ҳайвонни, хуллас бир нарса. Шу нарсани уриб юбормаслик учун жон ҳолатда рулни кескин четга буриб юбориб, ағдарилган ва кўркувдан жойида қотиб ўлиб қолган. Юраги ёрилиб кетган бўлиши мумкин. Эҳтимол, кўринган нарсани уриб юборган хис қилиб, ваҳима, кўркув исканжасида ўзини бошқаролмай, ағдарилиб кетиб ўлган бўлиши ҳам мумкин. Шу икки ҳолатнинг бири содир бўлган. Бошқа ҳолат фожеага сабаб бўлолмайди. Хуллас, ўлимнинг сабаби - кўркув.

Бу гапдан сўнг ўлик эгалари мурдани экспертиза қилдирмай, шошилинч дафн маросимига ҳозирлик қўришди ва кун ботиш арафасида жасадини нари-бери қабрга қўйиб келишди. Таъзия-

да қатнашганлар бирин-кетин тарқалди. Марҳумнинг қариндошлари-ю яқинлари ҳам уйларига кетишди. Мойлиқоранинг отаси, онаси, қайнонаси ва мулла то марҳумнинг еттиси ўтгунча кечаси ҳам шу ерда турадиган бўлишди. Кечкурун мулла билан Мойлиқоранинг отаси меҳмонхонага киришди. Майит чиққан хонада Мойлиқоранинг беваси Матлуба, ўғли-ю икки қизи, онаси ва қайнонаси ҳамда узокдан келган уч-тўртта қариндош аёллар қолишди. Бу хонада ўқинч, армон билан, синиқ товусдаги гурунлар, қайғули узук-юлук, қовушман гаплар-у пиқиллаб йиғлашлар ярим тунгача тинмади. Бўёқда марҳумнинг отаси ҳам шифтга тикилганча ўртаниб, ун-сиз йиғлаб ётарди.

Энди кўзи илган Матлуба ниманидир гичирлашдан сесканиб уйғониб кетди. Бошини ёстиқдан кўтармасдан, кўзларини уқалади ва хона ичига қулоқ тутди. Ҳаммаёқ жим-жит, ҳамма ухламоқда эди. Лекин чироқ ёруғида ҳамма нарса кўриниб турибди. Ўрта эшик ёпиқ, мушук қирадиган жой ҳам йўқ. Матлуба бошини яна ёстиққа босиб, кўзини юмди. Зум ўтмай гичирлаш яна такрорланди. Бу ёнбошига ўғрилиб ётиб, хона тўрига разм солди. Тўрдаги шифонернинг эшиги очик турарди. Хайрон бўлиб, ухлаётганларнинг юзларига бир-бир нигоҳ ташлаб чиқди. Ҳаммалари хотиржам ухлашарди. Яна шифонер эшигига қаради. Эшик олдида қандайдир шарпа кўрингандек бўлди. Бутун вужуди кўзга айланиб, тикилиброқ қаради. Узун бўйли, бошдан-оёқ қор-қора либосдаги шарпамни, кимсаси шифонернинг очик эшигидан кўлини чўзиб, ичкарини титқиларди. Матлуба "дод-лаб" ўзидан кетдики, ёки нафаси тикилиб, баҳоси чикмай хушини йўқотдики, бунисини билолмади.

(Давоми бор.)

Нормамат ТОВА

БЕЗОВТА



Кундош

ҳам қийшаймаган-у, лекин ўлганди. Фақат кўзлари очик, нимадан-дир қаттиқ кўрққандек оқариб кетган юзига даҳшат туси ўрнашиб қолганча, пастки лабини қаттиқ тишлаб қотиб қолганди...

Дўхтирлар Мойлиқорага, ЙХХ ходимлари эса, машинага ёпирилишди. Бошқа тегишли кишилар ҳам етиб келишиб, воқеа жойида ҳозир бўлишди ва ишга киришди. Машинани ўнглашиб қарашса, бирон жойига тангадек шикаст етмади, игнанинг учига жойи қирилмабдир, тирналмабдир... Аввало бундай сирли ҳалокатни бу ерда ҳозир бўлганларнинг деярли биронтаси ҳам ҳеч шохиди бўлишмаган эканлар. Шу ҳақда қайта-қайта гапиришиб, таажжубга тушишар,

елка қисишиб, бош чайқашарди. Бировдан гумонсирашга, шубҳаланишга асос йўқ. «Атайин қилинган, Мойлиқора ўлдирлиб, машина қўлдан ағдариб ташланган», дейишга ҳам ҳеч қандай асос йўқ эди. Содир бўлган воқеани кўрган гувоҳ ҳам чиқмади.

- Ифлос одам эди, - деб тўнгиллади ҳолатни узокдан кузатиб турганлар орасидан кимдир, - қилмишига яраша ўлим топиб, тўнгиз қўпибди, индамай кўмиб ташлаш керак, гуноҳи ўзи билан кетгани маъқул.

- Ўзи, кунни битаётган экан-да, - деди яна бири, - яқинда Болта қассобни чолиб ташлашга ям бир баҳя қолганди. Ўтакетган таъмағир, очкўз, порахўр эди, пулсиз чўт қокмасди. "Тико"ниям пора-ю, таъмағирлик билан пул йиғиб олувди. Ўзиям, "тадбирқорман" дегани бўлса, ҳаммасини шилди-да. Бундай одамга бошқа қандай ўлим ҳам бўларди дейсиз.

- Тўри айтдингиз, яқинда менга қизини даволади. Дори учун ўн уч минг сўм беришни ваъда қилган эди, бермай кетди, номард.

- Ундай бўлса, сизнинг қарғишингиз

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмадан таҳлил қилинмайдиган, муаллифларга қайтарилмайдиган, ёзма жавоб қилинмайдиган. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилиш ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот таркатуви» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 742. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Саҳифаловчи - Акбар ШОДИЕВ.
Расом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.